

Шайх
Муҳаммад Содик
Муҳаммад Юсуф

БОЗОР

ВА УНГА БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР



www.istor.uz



*Шайх
Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф*

БОЗОР

ВА УНГА БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР



HILOL
NASHR

ТОШКЕНТ

2019



Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

**«...Аллоҳ тижоратни ҳалол қилган, рибони
эса ҳаром қилган» (Бақара сураси, 275-оят).**

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «التَّاجِرُ الصَّدُوقُ
الْأَمِينُ مَعَ النَّيِّبِينَ وَالصَّادِقِينَ وَالشُّهَدَاءِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ростгўй, омонатли тожир набийлар, сиддиқлар
ва шаҳидлар билан биргадир», дедилар».**

Термизий ривоят қилган.

Шиоримиз:

Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо Исломга инти-
лиш, Куръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи
солиҳ – улуғ мужтахидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарка-
тиш, диний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, му-
таассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2019 йил 19 апрелдаги
2130-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.



БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Бандаларига молиявий муомалаларни ҳалол йўллар билан амалга оширишни ва ҳаром йўллардан четланишни амр қилган Аллоҳ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин!

Умнатларига молиявий муомалаларни батафсил тушунтириб, уларни қандай амалга оширишни кўрсатиб берган маҳбуб Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога мукамал ва батамом салавоту дурудлар бўлсин!

Қадимги фуқаҳоларимиз ушбу «Бозор ва унга боғлиқ масалалар» деб атаётган китобимизда келадиган масалаларга оид бобни «Китобул байъ» – «Савдо китоби» деб аташган.

Ҳар бир инсон турмуш тақозоси ила ҳаётида доимий равишда молиявий муомалаларга дуч келади ва бу муомалаларда иштирок этади. Айни шу муомалалар одамларнинг кўп вақтини ва фаолиятини ўз ичига олади.

Молиявий муомалалар тартибга солинмаса, уларнинг қоидалари бўлмаса, кишилар орасида келишмовчиликлар кўпайиши аниқ. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло бу ишни Ўз зиммасига олган ва умумий таълимотларни баён қилиб берган. Сўнгра Пайғамбаримиз алайҳиссалом орқали бу ишларнинг тафсилотини йўлга қўйган. Шу тариқа савдо сотиққа оид исломий ҳукмлар мусулмонлар ҳаётига татбиқ қилинган. Исломдан олдинги даврдаги бу борада шаклланган нотўғри ҳукмлар бирин-кетин бекор бўла бошлаган.

Кейинчалик фуқаҳоларимиз ушбу мавзуда келган оят ва ҳадислардан чиқадиган ҳукмларни тартибга солиб, ижтиҳод даражасига етмаган мусулмонлар учун уларга ёрдам тариқасида осонлаштириб, тушунтириб беришган.

Ҳозирги кунимизда одамлар орасида молиявий муомалаларда турли келишмовчиликлар, уруш-жанжаллар ва маҳкамабозликлар чиқаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу каби нохуш ҳолатларни камайтириш учун нима қилиш лозим? Бизнингча, шариатимизда кўрсатилган таълимотларни яхшилаб ўрганиб, уларга амал қилиш зарур.

Молиявий муомалаларда асосан ҳалол ва ҳаром масаласи жуда зарур ҳисобланиб, у ёки бу иш ҳалол ёки ҳаром экани суриштирилади. Айниқса, бозор муомаларида бу ишга катта аҳамият бериш лозим.

Аллоҳ таоло Бакара сурасида марҳамат қилади:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

«Ҳолбуки, Аллоҳ тижоратни ҳалол қилган, рибори эса ҳаром қилган» (275-оят).

Чунки тижоратда фойда кўришнинг ҳам, куйиб қолишнинг ҳам эҳтимоли бор. Тижоратда инсоннинг меҳнати, маҳорати, атрофдаги табиий ҳолатларнинг фойда ёки зарар кўришга таъсири бор. Савдогар фойда кўришга умид қилгани ҳолда куйиб қолишни ҳам бўйнига олиб иш бошлайди. Харажат қилиб, одамларга керакли молларни олиб келади, сақлайди ва бошқа хизматларни қилади.

Мазкур сабабларга ва яна зикр қилинмаган бошқа сабабларга кўра тижорат билан шуғулланиш инсон учун ҳалол қилинган.

Аллоҳ таолонинг савдони шариатга киритиши, Қуръонда унинг ҳукмини баён қилиб, Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ҳаётга татбиқ қилиш-

лари ва кўплаб ҳадислар айтиб, йўл-йўриқлар кўрсатишлари бежиз эмас. Чунки савдо инсонларнинг бу дунёдаги ўзаро муомаларидаги асосий жабҳалардан бири ҳисобланади. У тўғри низомга солинмаса, инсон ҳаётини тартибга солиб бўлмайди.

Чиндан ҳам, инсон ёлғиз ўзи яшай олмайди. У ўзига ўхшаш бошқа инсонлар билан яшайди. Бошқалар билан яшагач, улар билан муомалада бўлиши, нарсаларини айирбошлаши, олди-берди қилиши керак. Агар бу муомалалар тартибга солинмасдан, одамларнинг ўзларига ташлаб қўйилса, кучли кучсизни, ақлли ақли озни алдаши, ҳаққини поймол қилиши турган гап.

Мўминларнинг барчаси учун мазкур иқтисодий муомалалар одоби уларнинг барчаларини яратган, уларга ризк бераётган ва охиратда ҳар бирларини ҳисоб-китоб қилиб, қилмишига яраша жазо ёки мукофот берадиган Зот – Аллоҳ таоло томонидан жорий қилингандагина айни адолат бўлади, бировга заррача зулм қилинмайди. Ана ўша илоҳий кўрсатмаларга амал қилиш орқали тинчлик ва осонлик билан муродга етилади.

Энг муҳими, бу муомалалар ибодатга айланади, бу дунёда топилган ризқнинг ҳалол ва баракали бўлиши таъминланади. У дунёда эса шунга яраша ажру савоб, мақому мартабага эришилади, иншааллоҳ.

Мустақилликдан аввалги даврда бозор муомалаларига оид масалалар тор доирада бўлиб, кишиларнинг иқтисодий эркинлиги чегараланган эди. Ҳамма нарса давлат мулки ҳисобланар ва шахсий мулк бўлмаслиги учун сиёсат олиб борилар эди. Шунинг учун одамларнинг бу соҳадаги фаолият доираси ҳам жуда тор эди. Аллоҳ таолога шукрлар бўлсинки, кейинги даврларда кишиларнинг шахсий иқтисодий фаолиятлари кенгайди. Бозор иқтисоди асосида хусусий мулкчилик ҳам ривожланди.

нима бўпти?» дейди. Мана шу ҳоли унинг шайтон ето-вида эканига далилдир.

Аллоҳ таоло Моида сурасида марҳамат қилади:

وَكُلُوا مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ حَلَالًا طَيِّبًا وَأَتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي أَنْتُمْ
بِهِ مُؤْمِنُونَ ﴿٨٨﴾

«...ва Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсалардан ҳалол-покларини енглар. Ўзингиз иймон келтирган Аллоҳга такво қилинг» (88-оят).

Аллоҳ таоло Анфол сурасида марҳамат қилади:

فَكُلُوا مِمَّا غَنِمْتُمْ حَلَالًا طَيِّبًا وَأَتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٦٦﴾

«Бас, ўлжага олган нарсаларингиздан ҳалол-пок ҳолда енглар. Аллоҳга такво қилинглар. Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир» (69-оят).

Аллоҳ таоло Наҳл сурасида марҳамат қилади:

فَكُلُوا مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ حَلَالًا طَيِّبًا وَأَشْكُرُوا
نِعْمَتَ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ إِيَّاهُ تَعْبُدُونَ ﴿١١٤﴾

«Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсалардан ҳалол-пок ҳолда енглар. Ва агар Унгагина ибодат қиладиган бўлсангиз, Аллоҳнинг неъматига шукр қилинглар» (114-оят).

Ушбу келтирилган ва улардан бошқа оятлар ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари асосида бизнинг динимизда ҳар бир мўмин бандага фақатгина ҳалол ризқ топиш фарз қилингандир. Мўмин-мусулмонларга ҳалолга имкон бўла туриб, ҳаромга қўл уриш мутлақо мумкин эмас.

ҲАРОМГА ҚЎЛ УРИШ МУМКИН ЭМАС

«Ҳаром» луғатда ман қилишни англатади. Шариатда эса ҳеч қандай шубҳасиз, очиқ-ойдин равишда ман қилинган нарса ҳаромдир. Буни билиб олиш учун алоҳида тайёргарлик кўришнинг кераги йўқ. Арок, нажосат тушган сув каби ичимликлар, чўчка гўшти, Аллоҳнинг исми айтилмай сўйилган ҳайвонлар гўшти, эркак кишиларга ипак кийимлар ва никоҳида бўлмаганлар ила жинсий алоқада бўлиш қабилар ҳаромдир.

Шу билан бирга, ўзи ҳалол бўлган нарсаларга шариатда ман қилинган йўл билан эга бўлса, улар ҳам ҳаромга айланиб қолади. Мисол учун, зулм, ўғрилик, рибохўрлик, алдамчилик, порахўрлик йўли билан топилган ҳар бир нарса, ўзи қанчалик пок бўлса ҳам, топувчига ҳаромдир.

Шунинг учун ҳам уламоларимиз мутлақ ҳаромни «Ўзида ҳаромлик сифати бор ёки ман қилинган йўл билан топилган нарсадир» деб таърифлайдилар. Муслмон киши учун ҳаромдан ҳазар қилиш фарздир.

Аллоҳ таоло мўмин-муслмонларни ҳаром йўл билан бировнинг молини ейишдан қатъий равишда қайтарган.

Бировнинг мол-мулкини ҳаром йўл билан ейиш бу дунёда турли бало-офатларга, охиратда дўзах азобларига сабаб бўлади.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَطْلِ

«Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг...» (188-оят).

Ушбу ҳақиқат қадим замонда фақат руҳий-маънавий жихатдан тушунилган. Ҳаромхўрлик қилган одам гуноҳкор бўлиши ва охиратда дўзахга тушиши маъносидагина тушунилган.

Ҳозирги кунда эса юрак жисмимизни ҳаётда ва соғлиқда тутиб турадиган нарса сифатида билинади. У ишлаб турса, жисмда ҳаёт бўлади, у соғлом бўлса, жисм ҳам соғлом бўлади, у хаста бўлса, жисм ҳам хаста бўлади, деб фикр қилинади.

Аслида эса ҳадисдан ушбу икки тушунчанинг умумлаштирилган маъноси тушунилмоғи лозим.

Илмий равишда собит бўлишига қараганда, Ислом шариатида ҳаром қилинган нарсаларни таом сифатида тановул қилган одам хасталикка чалинар экан, чунки Ислом зарарли нарсаларни ҳаром қилган. Ҳаром нарсаси истеъмол қилинганидан сўнг танада қонга айланади. Юрак эса қон ҳайдайдиган аъзодир. Зарарли нарсалардан пайдо бўлган зарарли қон юракнинг хасталанишига сабаб бўлиши эса илмий ҳақиқатдир. Юрак хаста бўлгандан кейин эса – ҳадиси шарифда айтилганидек, жисмнинг ҳаммаси бузуқ бўлади.

Худди шу ҳолат ботиний қалбга нисбатан ҳам ҳосил бўлади. Ўғрилик, порахўрлик, рибохўрлик, алдамчилик, босқинчилик каби ҳаром йўллар билан ўзига мол-мулк топган одамлар гуноҳкор бўладилар. Мазкур гуноҳларнинг зарари эса уларнинг ботиний қалбларини хаста қилади. Ҳаромхўрлик давом этаверса, маънавий хасталик бориб-бориб маънавий ўлимга айланади.

Шунинг учун ҳам «Қалб жисмга нисбатан подшоҳ кабидир», дейилади. Подшоҳдан яхши амр чиқса, фуқароларга яхши бўлганидек, юракдан яхши ниятлар чиқса, жисмнинг бошқа аъзоларига яхши бўлади.

Ҳар доим бўлганидек, ҳозирда ҳам ушбу буюк ҳадиси шарифни яхшилаб тушунишга, унга яхши амал қилишга жуда ҳам муҳтожмиз.

Ҳалол нима эканини билиб олиб, доимо ҳалолга етишиш учун ҳаракат қилишимиз керак. Ҳаром нима эканини яхшилаб билиб олиб, доимо ундан ҳазар қилишимиз лозим.

Шубҳали нарсалардан узоқда бўлиш жуда ҳам зарур. Уламолардан сўраб-суриштириб, ўзимизга ҳалоллиги аниқ бўлган нарсанигина раво кўришимиз зарур.

Агар уламолар шубҳали нарсаларнинг ҳалоллигига фатво бермасалар, унга мутлақо яқин йўламаслигимиз керак.

Энг кўп ҳалол-ҳаромни суриштириладиган жой бозор – савдо тармоқларидир. Чунки ўша жойларда ҳар лаҳзада олди-берди бўлиб туради. Шунинг учун кишилар бозорларда жуда ҳам эҳтиёт бўлишлари лозим.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَحَبُّ الْبِلَادِ إِلَى اللَّهِ مَسَاجِدُهَا، وَأَبْغَضُ الْبِلَادِ إِلَى اللَّهِ أَسْوَاقُهَا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳга энг маҳбуб юртлар масжидлардир. Аллоҳнинг энг кўп ғазабига учраган юртлар бозорлардир», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифдаги масжидлар ва бозорлар ҳақидаги васфлар уларда содир бўладиган ишлар юзасидан айтилган.

Одатда масжидларда Аллоҳга ибодат қилинади, тиловату зикр, ваъз-насихатлар бўлади, илм ўрганилади, мусулмонларнинг ахлоқ-одоби, тарбияси, руҳий-маъ-

навий ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилади. Умуман, икки дунё фойдасига оид ишлар бўлади.

Бозорлар Аллоҳ таоло энг ёмон кўрган жойлардан бўлиши одатда у ерда ёлғон, алдамчилик, бировнинг молини ҳаромдан ейиш каби ҳодисалар содир бўлганидандир.

Ислонда савдо-сотик ишларида ҳалол бўлишга қаттиқ тарғиб қилинади. Алдамчилик, бировнинг молини ҳаромдан ейиш, савдо-сотикда қаллоблик қилиш қаттиқ қораланади.

Ҳадисда бозорлар Аллоҳ таоло энг ёмон кўрган жой тариқасида саналишининг сабаби ҳам шунда. Бозор бозор бўлгани учун эмас, унда ҳаром-хариш, ношаръий ишлар кўплиги учун шундай сифатга эга бўлган. Шунинг учун мусулмонлар бозорда доимо эҳтиёт бўлишлари керак. Бозорга кирганда ҳам Аллоҳдан паноҳ сўраб кириш, юрганда ҳам паноҳ сўраб юриш лозим.

Юқорида айтиб ўтилган маънолар юзасидан ҳар бир мусулмон инсон бозор ишлари, савдо-сотикқа оид ислоний таълимотларни ўрганиб олиши зарурдир ва яхшиликдир.

ТИЖОРАТ ВА УНИНГ ОДОБЛАРИ

«Тижорат» сўзи арабча сўз бўлиб, луғатда олди-сотди маъносини англатади. Уламолар тижоратнинг таърифида бир-бирига яқин бир неча маъноларни айтишган: «Тижорат – бир нарсани савдога қўйиб, фойда олиш учун сотиб олишдир»; «Тижорат – олди-сотди ила фойда излашдир»; «Тижорат – фойда кўриш мақсадида молни айлангиришдир» ва ҳоказо.

Бизнинг она тилимизда эса тижорат – савдо, тожир – савдогар шаклида ишлатилиши кўпроқ учрайди. Биздаги савдо сўзи арабча «байъ» сўзига ҳам тўғри келади. «Байъ» луғатда «ўзаро бир нарсани алмаштириш»ни англатади. Шариатда эса бир молни иккинчи бир мол

муқобилига рози бўлиб қабул қилиб олишга «байъ» дейилади. Қисқа қилиб айтганда, «савдо» сўзи «тижорат» сўзидан умумийроқ бўлиб, бугунги куннинг истилоҳида «бозор муомалалари» маъносига яқинроқ келади.

Савдо ҳалол бўлиши учун икки тарафнинг – ҳам сотувчининг, ҳам харидорнинг розилиги шартлиги ушбу оятда очиқ-ойдин айтиб қўйилган. Ушбу ҳақиқатга алоҳида эътибор бериш керак. Бировга нисбатан тазйиқ ишлатиб, унинг молини ўзи истамаган тарзда паст баҳога сотишга мажбурлаш энг катта ҳаромлардандир. Шунингдек, ўзининг нарчасини бошқага мажбурлаб сотиш энг катта ҳаромлардан бири бўлиб, бу борада мансабни, кучни ва бошқа чораларни ишга солиб, одамларни норози қилиб муомалага чорлаш энг катта гуноҳ ишлардан биридир.

Тижоратнинг шариатга киритилишига Куръони Каримда, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида бир қанча далиллар бор.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ
بِالْبَطْلِ إِلَّا أَنْ تَكُونَ تِجَارَةً عَنْ رَاضٍ مِّنْكُمْ وَلَا تَقْتُلُوا
أَنْفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا ﴿١١﴾

«Эй иймон келтирганлар! Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Фақат ўзаро розилик ила тижорат бўлса, майли. Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизларга раҳмлидир» (29-оят).

Бировнинг молини ботил йўл билан ейишга рибо, қимор, порахўрлик, алдамчилик, нархни сунъий равишда кўтариш, ўғрилик, қиморбозлик, товламачилик ва бошқалар кирради.

Ояти каримада ботил йўл билан бировнинг молини ейишдан «**Фақат ўзаро розилик ила бўлган тижорат бўлса, майли**» деб истисно қилинмоқда.

Албатта, ҳалол ризк топишнинг йўли фақат тижорат эмас. Аммо бу мақомда тижоратнинг зикр қилинишига сабаб шуки, ботил йўл билан мол ейишнинг баъзи турларида тижоратга ўхшашлик бор. Мисол учун, Арабистон яриморолида рибохўрлик авж олган эди. Аллоҳ таоло бу ишни ҳаром қилганида мушриклар рибо ҳам тижоратга ўхшаш, деган даъвони илгари суришди. Шунга ўхшаш тушунмовчиликлар ёки ноўрин даъволар бўлмаслиги учун ўзаро розилик билан бўлган тижорат бундан истисно қилинмоқда. Чунки тижорат – ҳалол меҳнат. Тожир меҳнат қилиб, молу пулини ишга солиб, ишлаб чиқарувчи ва харидор орасида восита бўлади. Бу вазифани бажариш учун орада анча-мунча хизматларни адо этади. Унинг келажақда фойда кўриш-кўрмаслиги, фойданинг оз ёки кўп бўлиши гумон бўлади. У касод бўлиши, синиб, молсиз-пулсиз қолиши эҳтимолларини ҳам бўйнига олиб, бу ишга қўл уради. Энг муҳим омиллардан бири – тижорат икки тарафнинг розилиги билан бўлади. Савдогар молини сотишда рози бўлмаса, сотмай қўяверишга ҳақли. Биров уни ўзи истамаган тарафга ва ўзи истамаган нарҳда сотишга мажбурлай олмайди. Харидор рози бўлмаса, олиш-олмасликда эркин, бошқа томонга кетаверади. Уни ҳам бошқа биров ўзи истамаган нарсани истамаган нарҳда олишга мажбурлай олмайди.

Оятнинг давомида Аллоҳ таоло мўмин бандаларига хитоб қилиб:

«**Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг!**» демоқда. Сиртдан қараган одам: «Бир-бирининг молини ботил йўл билан ейиш ва ўзини ўзи ўлдириш орасида қандай алоқа бор?» дейиши мумкин. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрилса, ҳаётий

тажрибага назар солинса, ҳақиқатда бу икки нарса ўртасида бевосита алоқа борлиги кўрилади. Бир-бирининг молини ботил йўл билан ейиш одати бор жамиятлар ўзини ўзи ҳалокатга олиб боражагини ва бораётганини кўрамиз. Умуман, Аллоҳнинг айтганидан чиқиш, Унга маъсият (гуноҳ) қилиш инсонни ҳалокатга элтиши аниқ эканида шубҳа йўқ. Жумладан, мазкур ботил йўл билан мол ейиш ҳам катта маъсият сифатида ҳалокатга сабаб бўлади. Бу ишни қилганлар ўзини ўзи ўлдирган бўлади.

«Албатта, Аллоҳ сизларга раҳмлидир». У мўмин-мусулмонларга раҳм қилгани учун ҳам сизларни ҳалокатга олиб борувчи ишлардан, жумладан, бир-бирингизнинг молингизни ботил йўл билан ейишдан қайтармоқда. Сизни нажотга сабаб бўлувчи ишларга буюрмоқда. Бу ҳол Аллоҳнинг раҳматидир. Агар у раҳм қилиб, тўғри йўлни кўрсатиб бермаганида, нотўғрисида қайтармаганида, катта машаққатда қолган бўлар эдингиз.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

«Ҳолбуки, Аллоҳ тижоратни ҳалол қилган, риборни эса ҳаром қилган» (275-оят).

Чунки тижоратда фойда кўришнинг ҳам, куйиб қолишнинг ҳам эҳтимоли бор. Тижоратда инсоннинг меҳнати, маҳорати, атрофдаги табиий ҳолатларнинг фойда кўриш ёки зарар топишга таъсири бор. Савдогар фойда кўришга умид қилгани ҳолда куйиб қолишни ҳам бўйнига олиб иш бошлайди. Пулини сарфлаб, одамларга керакли молларни олиб келади, маълум муддат сақлайди, овоза қилади ва бошқа хизматларни бажаради.

Судхўр-чи? У ҳеч нарса қилмай, жойида ўтиради. Нима бўлишидан қатъи назар, унинг фойда олиши муқаррар. Куйиб қолиш хавфи ҳам йўқ. Мазкур сабаблар-

га ва зикр қилинмаган бошқа сабабларга кўра, тижорат билан шуғулланиш инсон учун ҳалол, судхўрлик эса ҳаром қилинган.

Ҳа, юқорида айтиб ўтилганидек, тожирлик ҳам шариат кўрсатган йўл билан амалга оширилса, ибодат бўлади. Чунки тожирлар тижоратлари орқали ўзлари фойда топишларидан ташқари, жамиятлари учун катта аҳамиятга эга бўлган ишни амалга оширадилар, кўпчиликнинг оғирини енгил қиладилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Ҳадийжа онамизнинг моллари ила тижорат қилганлар.

Уламоларимиз «Тижорат, зироат ва саноатдан қайси бири афзал?» деган саволнинг жавобида баъзи ҳолларда тижорат афзал эканини таъкидлашган. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу: «Аллоҳ таолонинг йўлидаги ўлимдан кейин мен учун энг афзал ўлим савдо моллари ичида ўлишдир», деганлар.

Шунинг учун ҳам уламоларимиз тижорат ва унинг одобларига ҳамиша алоҳида аҳамият бериб келишмоқда. Кўпгина ҳадис ва фикҳ китобларида тижоратга бағишланган махсус боблар мавжуд. Бир қанча уламолар тижорат борасида алоҳида китоблар ҳам битишган. Масалан, буюк фақиҳларимиздан имом Сарахсийнинг «Ал-Иктисоб фир-ризқил мустатоб», Абу Бакр Халлолнинг «Тижорат», Восибий Ҳубайшийнинг «Ал-Барака фис-саъйи вал ҳаракат» каби китоблари бор.

Бугунги кунимизнинг тожирлари ичида ҳам тижорат одобларига қўлдан келганича амал қиладиганлар мавжуд. Уларга ёрдам сифатида бу борадаги баъзи тавсияларни тақдим қилмоқчимиз.

САВДОГА ОИД ИЛМНИ ЎРГАНИШ ЗАРУР

– Тижоратнинг энг муҳим ва дастлабки одобларидан бири савдо ва унинг турларига оид шаръий ҳукмларни яхшилаб ўрганишдир.

Мусулмон савдогар хатога йўл қўйиб, гуноҳкор бўлмаслиги, ҳаромга аралашиб, охирати куймаслиги, ҳалол ризқ топиб, фароғатда яшashi ва икки дунёнинг саодатига эришиши учун савдо ва унга боғлиқ масалаларни яхшилаб ўрганади. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху: «Бозоримизда динда фақиҳ бўлмаган одам савдо қилмасин», деганлар.

Минг афсуслар бўлсинки, кишилар орасида тижоратдаги ҳалол ва ҳаромни, бировнинг ҳаққидан уриб қолмасликни, кенгбағирлиликни ва бошқа гўзал иш ва муомалаларни ўрганиш ўрнига, уларнинг тескариси бўлган ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бормаслик, ҳаромдан ҳазар қилмаслик, харидорларни турли йўллар билан алдаш ва шунга ўхшаш баракани кўтарадиган, фойданинг ўрнига зарар келтирадиган иш ва муомалаларни ўрганаётган ва икки дунёнинг бахтсизлигига сабаб бўладиган йўлдан кетаётганлар ҳам бор.

Бу борадаги шаръий ҳукмларни ўрганган кишилар ўзлари, оилалари, жамиятлари учун ҳам бу дунё, ҳам охиратда фойда берадиган, савдоларига ва ҳаётларига барака киритадиган, ҳалол касб қиладиган, ҳаромдан четда бўладиган ишларни ўрганган бўлади.

САВДОДА ЁЛҒОН ГАПИРИШ ҲАРОМ

– Тожир савдо молини мақташ учун ёлғон гапириш ҳаром эканини зинҳор унутмаслиги зарур.

Шунингдек, ваъдага вафо қилмай, сўнг ёлғон гапириш, нарсаларнинг баҳосини баён қилишда ёлғон ишлатиш ҳам ҳаромдир.

عَنْ رِفَاعَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّهُ خَرَجَ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الْمُصَلَّى، فَرَأَى النَّاسَ يَتَبَايَعُونَ، فَقَالَ: «يَا مَعْشَرَ التَّجَارِ!»، فَرَفَعُوا أَعْنَاقَهُمْ وَأَبْصَارَهُمْ إِلَيْهِ إِجَابَةً لَهُ، فَقَالَ: «إِنَّ التَّجَارَ يُبْعَثُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فُجَّارًا إِلَّا مَنْ اتَّقَى اللَّهَ، وَبَرَّ، وَصَدَّقَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Рифоъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан намозгоҳга чиққан эканлар. Шунда у зот савдо қилаётган одамларни кўриб: «Эй тожирлар жамоаси!» дедилар. Улар бошларини кўтариб, чақирикка жавобан, у зотга қарадилар. Шунда у зот: «Албатта, тожирлар қиёмат куни фожирлар ҳолида тирилтирилурлар. Фақат Аллоҳга тақво қилган, яхшилик ва ростгўйлик қилган бундан мустасно», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Агар тижоратчи одам тақводор, яхшилик қилувчи ва ростгўй бўлмаса, тожирлик эгасига надомат, охират шармандалигини келтиради. Ҳар бир тожир ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган уч сифатни ўзида мужассам қилишга уринмоғи керак:

1. Аллоҳ таолога тақво қилиш;
2. Яхшилик қилиш;
3. Ростгўй бўлиш;

Ушбу сифатлари бор одамгина тижоратда фожирлик, алдамчилик, ҳаромхўрлик қилмайди.

Аслини олганда тожирлик ҳам шариат кўрсатган йўл билан амалга оширилса, ибодат бўлади. Чунки тожирлар тижоратлари орқали ўзларига фойда топишдан ташқари, жамиятлари учун катта аҳамиятга эга бўлган ишни амалга оширадилар. Кўпчиликнинг оғирини енгил қиладилар.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда тижоратни ҳалол қилганини эълон қилган. Ҳатто ҳаж ибодати вақтида ҳам тижоратга рухсат берган. Саҳобалардан баъзилари тижорат вақти келса, Аллоҳнинг йўлида жидду жаҳд қилишга тенг бўлишини айтганлар.

Ушбу афзалликларнинг ҳаммаси тожирнинг тақводор, ростгўй ва омонатли бўлишига боғлиқдир. Ана ўшанда мўмин-мусулмон тожир қиёмат куни юксак мартабаларга эришади. Набийлар, сиддиклар ва шаҳидлар билан бирга бўлади.

Ушбу ҳадис олдимизга тожирларнинг икки хил ҳолатини кўндаланг қўймоқда:

– Алдамчи, ёлғончи ва ҳаромхўрлари қиёмат куни фожир бўлиб тирилтирилади;

– Тақводор, содиқ ва омонатлилари қиёмат куни набийлар, сиддиклар ва шаҳидлар билан бирга бўлишади.

Энди ихтиёр ҳамманинг ўзида. Ҳар ким ниятига ва амалига яраша мансаб топади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي أَوْفَى رضي الله عنه: أَنَّ رَجُلًا أَقَامَ سِلْعَةً وَهُوَ فِي
السُّوقِ، فَحَلَفَ بِاللَّهِ لَقَدْ أُعْطِيَ بِهَا مَا لَمْ يُعْطَ لِيُوقِعَ فِيهَا رَجُلًا
مِنَ الْمُسْلِمِينَ، فَتَرَلْتُ ﴿﴾ إِنَّ الَّذِينَ يَشْتَرُونَ بِعَهْدِ اللَّهِ وَأَيْمَانِهِمْ
ثُمَّ قَلِيلًا ﴿﴾ الْآيَةُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши бозорда туриб, бир молни савдога қўйди ва мусулмонлардан бир одамни қизиқтириш учун у(мол)га ўзига берилаётгандан кўп берганини айтиб, Аллоҳнинг иоми ила қасам ичди. Шунда:

«Аллоҳнинг аҳдини ва ўз қасамларини озгина баҳога сотадиганлар...» ояти нозил бўлди».

Имом Бухорий ривоят қилган.

Оятнинг давомида:

«...албатта, ана ўшаларга охиратда яхши насиба йўқдир, қиёмат куни Аллоҳ уларга гапирмас, назар солмас ва уларни покламас. Уларга аламли азоб бор», дейилган (Оли Имрон сураси, 77-оят).

Демак, одамларни қизиқтириб, молини ўтказиш учун «Ўзи бу мол менга бунчага тушган» деб ёки «Одамлар «Бунча бераман», деган эди, сотмадим» деб ёлғон айтиб, қасам ичиш охиратда ёмон оқибатларга олиб келар экан. Шунинг учун бу нарсадан хушёр бўлиш лозим.

ЁЛҒОН ҚАСАМ ИЧИШ ЭНГ КАТТА ГУНОҲЛАРДАН

– Савдо молини ўтказиш учун ёлғон қасам ичиш энг катта гуноҳлардан биридир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْحَلْفُ مُنْفَقَةٌ لِلسَّلْعَةِ، مَمْحَقَةٌ لِلْبَرَكَةِ». رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ. وَالْمُسْلِمُ: «إِيَّاكُمْ وَكَثْرَةَ الْحَلْفِ فِي الْبَيْعِ، فَإِنَّهُ يُنْفَقُ ثُمَّ يَمْحَقُ».

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қасам ичиш савдо молини ўтказувчи, баракани ўчирувчидир», дедилар».

Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Муслимнинг ривоятида:

«Савдода кўп қасам ичишдан эҳтиёт бўлинглар, чунки у ўтказади ва ўчиради», дейилган.

Баъзи бир савдогарлар ўз молини ўтказиш мақсадида ёлғон гапирдилар, ҳатто қасам ҳам ичадилар. Баъзи харидорлар унинг қасамига ишониб, молини сотиб олади. Ҳалиги савдогар савдоим юришди, деб хурсанд бўлади. Аслида эса ёлғон гапиргани, ёлғон қасам ичгани учун молининг баракаси ўчади. Миқдори кўпайганга ўхшагани билан баракаси бўлмайди. Фойдаси камаяди. Ҳатто бошқа томондан балолар ҳам етади.

Шунинг учун савдогар ростгўй бўлиши керак, қасам ичиб, молини ўтказишга уринмаслиги лозим. Ростгўйлик билан, бировни алдамасдан қилинган савдода баракка бўлади, эгасига юқади, фойда беради.

САВДОДА РОСТГЎЙЛИК – ИККИ ДУНЁ ШАРАФИ

– Савдогарнинг ростгўй бўлмоғи унинг бу дунёси ва охирати учун шарафли унвондир.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم: «التَّاجِرُ الصَّدُوقُ
الْأَمِينُ مَعَ النَّبِيِّينَ وَالصَّدِيقِينَ وَالشُّهَدَاءِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ростгўй, омонатли тожир набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Савдогар одам ўзининг савдогарлиги воситасида қиёмат куни, ҳамма ташвишда қолган бир пайтда Аллоҳ таолонинг энг шарафли бандалари – набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлиш имконига эга бўлар экан. Бу улкан имкониятга эга бўлиши учун эса савдогар киши ростгўй ва омонатли бўлиши шарт экан. Ростгўйлик ҳар доим ўз эгасига яхшилик келтиради. Аммо савдогарнинг ростўйлиги алоҳида аҳамиятли яхшиликни – қиёмат куни набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлишдек улкан яхшиликни келтирар экан. Омонатли бўлиш, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик ҳар доим ўз эгасига яхшилик келтиради. Аммо савдогарнинг омонатли бўлиши, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслиги алоҳида аҳамиятли яхшиликни – қиёмат куни набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлишдек улкан яхшиликни келтирар экан.

Шунинг учун барча савдогарлар ўзларининг касбларидаги бу улуғ имкониятни англаб етишлари ва ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишлари лозим.

САВДОДА АЛДАМЧИЛИК ҲАРОМДИР

– Савдода одамларнинг кўзини бўяш, алдамчилик каби ишлар ҳам ҳаромдир.

وَمَرَّ النَّبِيُّ ﷺ بِرَجُلٍ يَبِيعُ طَعَامًا، فَسَأَلَهُ: «كَيْفَ تَبِيعُ؟»
فَأَخْبَرَهُ، فَأَوْحَى إِلَيْهِ أَنْ أَدْخِلْ يَدَكَ فِيهِ، فَأَدْخَلَ يَدَهُ، فَإِذَا هُوَ
مَبْلُولٌ، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «لَيْسَ مِنَّا مَنْ عَشَّ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَمُسْلِمٌ
وَالْتِّرْمِذِيُّ وَلَفْظُهُمَا: فَقَالَ: «مَا هَذَا، يَا صَاحِبَ الطَّعَامِ؟» قَالَ:

أَصَابَتْهُ السَّمَاءُ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «أَفَلَا جَعَلْتَهُ فَوْقَ الطَّعَامِ كَيْ يَرَاهُ النَّاسُ»، ثُمَّ قَالَ: «مَنْ غَشَّ فَلَيْسَ مِنِّي».

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таом сотаётган одамнинг олдидан ўтаётғиб: «Қандай сотяпсан?» деб сўрадилар. У хабар берди. Шунда у зотга: «Қўлингни у(таом)нинг ичига киргиз», деб ваҳий қилинди. У зот қўлларини киргизсалар, ҳўл экан. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким алдаса, биздан эмасдир», дедилар».

Абу Довуд, Муслим ва Термизий ривоят қилишган. Муслим ва Термизийнинг лафзиди: «У зот: «Эй таом эгаси, бу нимаси?!» дедилар. «Ёмғир теккан эди, эй Аллоҳнинг Расули», деди. «Одамлар кўришлари учун буни таомнинг устига қилсанг бўлмасмиди?! Ким алдаса, мендан эмас!» дедилар», дейилган.

Ушбу ҳадиси шарифдаги таом деб номланган ва савдога қўйилган мол буғдой бўлиб, унга осмондан тушган ёмғир тегса, шишиб, оғир бўлиб қолади. Шунинг учун сотувчи ўлчовда ботил йўл билан фойда кўради. Иккинчидан, ёмғир теккан буғдойни сақлаб бўлмайди. Шунинг учун бундай махсулотларни айбини айтмай сотиш алдамчилик ҳисобланади.

Ушбу ҳадисдан савдо-сотик борасида бир қанча фойдалар олинади:

1. Ислом дини савдо-сотик, иқтисодий ишларда ҳам ўз таълимотларига эга экани.

2. Масъул кишилар савдо-сотик ишлари шариатга мувофиқ боришини кузатиб туриши лозимлиги. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўрашлари ва қўлларини солиб, текшириб кўришлари шуни кўрсатади.

3. Савдо молида айб бўлса, уни харидорга айтиш ёки кўрсатиш лозимлиги. Айбини кўриб, билиб туриб олса, ўзининг иши.

4. Савдода алдамчилик қилиш савдогарни мусулмонлик доирасидан чиқариши.

Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Биздан эмасдир» деганлари «Менинг динимда эмас» деганларидир.

Энди бугунги катта-кичик савдогарларнинг қилаётган ишларига бир назар солайлик.

Савдонинг қайси тури бўлса, ҳаммасида харидорни яхшилаб алдаш услуби ишлаб чиқилган. Сотувчининг нима қилиб бўлса ҳам харидорни алдаб, молини ўтказиб олишдан бошқа ташвиши йўқ.

Бунда кўргазмага яхши, сифатли молни кўйиб, ёмонини тортиб ёки ўлчаб бериш энг осон услуб.

Аввалгиларга ўхшаб, «Ёмғир тегиб қолган эди» дейиш қаёқда, зироат маҳсулотини бозорга олиб чиқиш учун узиб ёки териб олишдан олдин, томиридан сув ичиб, тўйиб олгунича атайлаб сув кўйилади. Маҳсулот тарози босадиган бўлганидан кейингина бозорга олиб чиқилади. Бундай маҳсулотни еган одамнинг эса мазаси қочиши шубҳасиз.

Бозорда шеригининг ширин анорини сўйиб, кўргазмага кўйиб, ўзининг аччиқ анорини пуллайдиганларга жуда кўпчилигимиз алданганмиз.

Озгин кўйнинг оёғидан тешик очиб, насос билан ичига ҳаво пуфлаб шишириб сотишар экан. Ўша кўйни бозордан сотиб олиб келиб, кўйхонага қамаб кўйиб, бир пиёла чойни ичиб бўлиб қараса, кўйнинг пучайиб ётганидан фиғони фалакка чиққан харидорларнинг ҳасратларига шерик бўлганлар ҳам орамизда йўқ эмас.

Қўйингки, бозор ҳеч бир инсон боласининг ақлига сиғмайдиган хийла-найранг, алдов, қаллоблик каби иллатларнинг уясига айланган. Ушбу нарсаларни касб қилиб олган алдамчилар ўзини мусулмонман, деб аташга, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматиданман, дейишга ҳақлари бормикан?!

Аллоҳ таолодан кўркиш, алдамчиликни ташлаш керак. Алдамчилик билан топилган мол-дунё ҳаром бўлади, эгасига юкмайди, бошига битган бало бўлади. Энг асосийси, Аллоҳ таолодан кўркмаган, алдамчиликни ўзига касб қилиб олган кимса қиёматда шарманда бўлади.

ЎЛЧОВДАН УРИБ ҚОЛИШ ҲАРОМДИР

– Тарозидан ва ўлчовдан уриб қолиш мутлақо ҳаромдир.

Аллоҳ таоло Мутоффифин сурасида марҳамат қилади:

وَيْلٌ لِّلْمُطَفِّفِينَ ﴿١﴾ الَّذِينَ إِذَا أَكَالُوا عَلَى النَّاسِ يَسْتَوْفُونَ ﴿٢﴾
وَإِذَا كَالُوهُمْ أَوْ وَزَنُوهُمْ يُخْسِرُونَ ﴿٣﴾

«Вайл бўлсин ўлчовдан уриб қолувчиларга! Улар одамлардан нарса ўлчаб олсалар, тўлиқ оларлар. Агар уларга ўлчаб ёки тортиб берсалар, камайтирарлар» (1-3-оятлар).

«Вайл» сўзининг икки хил маъноси бор: бири «вой бўлсин», иккинчиси эса дўзахнинг номларидан бири «вайл», яъни «Ўлчовдан уриб қолувчиларга вайл дўзахи бўлсин» деганидир.

Аслида бу икки маъно бир-бирини тўлдириб келади: «Вайлга тушган одамнинг ҳолига вой бўлади, ҳолига вой бўлган одам вайлга тушади.

Ислому ўзининг дастлабки кунларидан бошлаб, бировнинг ҳаққини ҳаромдан ейишга қарши каттик уруш очган. У ўлчовдан оз-оз уриб қолувчиларнинг ҳам дўзахга тушиб, ҳоли вой бўлишини эълон қилган. Қуръони Карим бу масалани ушбу сураи каримадан бошқа сураларда ҳам кўтарган. Хусусан, Шуайб алайҳиссалом қиссасида у зотнинг қавмларининг энг катта айби ўлчовда бировнинг ҳақидан уриб қолиш экани такрор-такрор таъкидланган. Ҳар сафар шу ҳақда сўз кетганда, Аллоҳ таоло ўша қавмни мазкур айби учун ҳалок қилгани ҳам такрорланган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам эса ўз ҳадиси шарифларида ояти карималарнинг маъноларини таъкидлаганлар. Жумладан, имом Ҳоким ва Табароний Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўлчовдан уриб қолмаслар. Набототдан ман қилинурлар ва қаҳатчилик ила тутилулар», – деганлар. Бу «Ўлчовда бировнинг ҳақидан уриб қолиш билан машғул бўлган қавмнинг юртидан барака кўтарилиб, очарчиликка дучор бўлулар» деганидир.

Биринчи оятда ўлчовдан уриб қолувчиларга бериладиган жазо эълон қилиб бўлинганидан сўнг, энди келадиган оятларда улар мазкур қабиҳ ишни қандай шаклда олиб боришлари васф қилинади.

«Улар одамлардан нарса ўлчаб олсалар, тўлик оларлар. Агар уларга ўлчаб ёки тортиб берсалар, камайтирарлар».

Ҳа, ўлчовда уриб қолувчилар асосан олибсотар савдогарлар бўладилар. Улар савдогарликларини ҳалоллик, поклик билан қилсалар, энг баракали касбни қилган бўлар эдилар, кўп фойда топар эдилар. Аммо улар очкўз, ебтўймас шахсларга айланиб қолганлар. Шунинг учун савдодан тушган фойдани еб тўймасдан, ўлчовдан ҳам уриб қолиб – ялаб тўймоқчи бўладилар.

Улар кишилардан нарса ўлчаб олаётганларида заррача ҳам камайтирмасдан, иложи бўлса, бироз ортиги билан ўлчаб олишга уринадилар. Ўзлари бировга ўлчаб ёки тортиб берганларида эса камайтириб берадилар. Ана ўшалар шу йўл билан фойда кўрмоқчи бўладилар. Кишиларга сездирмай, осон йўл билан молу мулк касб қилмоқчи бўладилар. Эҳтимол, улар бу беш кунлик дунёда қўлга тушмай, қилган жиноятларининг жазосини тортмай, қутулиб кетарлар. Аммо...

﴿أَلَا يَظُنُّ أُولَٰئِكَ أَنَّهُمْ مَبْعُوثُونَ﴾

«Ана шулар албатта қайта тирилтирилишларини ўйламайдиларми?» (4-оят)

Қайта тирилтирилганларида ҳам...

﴿يَوْمَ عَظِيمٍ﴾

«Буюк бир кунда...» (5-оят).

Қайта тирилтирилурлар.

﴿يَوْمَ يَقُومُ النَّاسُ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ﴾

«У Кунда одамлар оламлар Робби ҳузурда тик турарлар» (6-оят).

Ҳа, барча халойиқ албатта қайта тирилтириладиган кун улуғ кундир. У кунда одамлар Роббул оламин ҳузурда тик туриб, бу дунёда қилган заррача амаллари ҳақида ҳам ҳисоб-китоб берадилар. Ана шунда бу дунёда ўлчовдан уриб қолганлар нима қиладилар? «Нима учун фалон куни ўлчов пайтида Пистончининг ҳақидан бунча нарса ни уриб қолдинг?» деб сўралса, нима деб жавоб беришларини ўйлаб кўрмайдиларми?! Ана ўшанда вайл – дўзахга тушиб, ҳолларига вой бўлишини ўйлаб кўрмайдиларми?!

Уқоридаги оятларда савдода кишилар ҳақидан уриб колувчи фирибгарлар ҳақида сўз юритилди. Тарозими, метрми ёки бошқача ўлчовми – барибир, улар кишилардан нарса олаётганларида тўлиқ, балки ортиқча оладилар, аммо харидорларга ўлчаб бераётганда кам берадилар. Улар бу ишни қиёматдан қўрмаганларидан қиладилар. Шунинг учун ҳам келаси оятларда иш улар ўйлаганларидек эмас, балки бошқача бўлиши, ҳар бир нарсанинг аниқ ҳисоб-китоби борлиги баён қилинади.

﴿ ۷ ﴾ كَلَّا إِنَّ كِتَابَ الْفَجَارِ لَفِي سِجِّينٍ

«Йўқ! Албатта, фожирларнинг китоби «сижжийн»дадир» (7-оят).

Йўқ!!! Ундай қилмасинлар! Бу йўлларида қайтсинлар! Ўзларини унғласинлар! Ва билиб олсинларки, албатта, улар каби фожирларнинг китоби охиратда, мазкур одамлар Роббул оламин ҳузурида тик туриб, ҳисоб берадиган улуғ кунда «сижжийн»да бўлади.

﴿ ۸ ﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا سِجِّينٌ

«Сижжийн» не эканини сенга нима билдирди?!» (8-оят).

Яъни «Сен сижжийн нима эканини қаердан ҳам билардинг. Унинг моҳияти шундай каттаки, сен уни идрок эта олмайсан. Билиб қўй!»

﴿ ۹ ﴾ كِتَابٌ مَّرْقُومٌ

«У ёзилган китобдир» (9-оят).

«Сижжийн» луғатда «ўта тор» деган маънони англади. Ушбу оятнинг таърифидан эса у фожир одамнинг бу дунёда қилган каттаю кичик амаллари ёзиб юрилган

«номаи аъмол» китоби эканини билиб оламиз. У китобда бирор нарса, ҳатто зарра миқдорида бўлса ҳам, ёзилмай қолмайди. Унга ёзилган нарса эса асло ўчирилмайди. Ҳаммаси тўлалигича қиёмат куни банданинг ўзига кўрсатилади. Ана ўшанинг асосида банда ҳисоб-китобга тутилади. Қиёмат куни фожирларнинг номаи аъмоллари «сижжийн»да булар экан. Уларнинг ўзлари тор дўзахга асфаласофилин бўлганлари учун, уларнинг китоблари ҳам ана шундай васфга эга булар, ана шундай жойга қўйилар экан. Бундан барча кофир, фожир ва осийлар керакли хулоса чиқариб, фурсатнинг борида ўзларини ўнглаб олишлари керак. Қиёматдан кўрқиб, унга иймон келтириб, унга тайёргарлик кўриб яшасинлар. У кунни ёлғонга чиқарсалар бўлмайди.

Ҳозирги кунда юқоридаги оятларда келган гаплардан беҳабар одамларнинг савдода тортиш ва ўлчаш ишларида қилаётган номаъқулчиликларини кўрган, билган одам кўрқиб кетади. Кўпчилик сотувчилар ҳар қандай тарозини одамларнинг ҳақидан уриб қолишга мослаб олиш бўйича устаси фаранг бўлиб кетганлар. Шунинг учун ҳам баъзи харидорлар ўзлари билан қўл тарозисини олиб юришга мажбур бўладилар.

Ўлчаб сотиладиган нарсалардан уриб қолишнинг хилма-хил усуллари ишлаб чиқилган. Мисол учун, эллик килограмми қопларга қирқ беш килограмм нарса солинади. Савдогар ишлаб чиқарувчи тарафдан тўлиқ эллик килограмм юк олган бўлса ҳам, харидорга сотишдан олдин махсус найча орқали бир неча килограмм гуруч, ун, шакар ва шунга ўхшаш нарсаларни бошқа идишга тўкиб олади-да, харидорга эллик килограмм деб сотаверади.

ЭХТИКОР (МОНОПОЛИЯ) ҲАРОМДИР

– Савдода ҳаром қилинган ишлардан бири эхтикор(монополия)дир.

عَنْ مَعْمَرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ احْتَكَرَ فَهُوَ حَاطِيٌّ».
رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Маъмар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким эхтикор қилса, ўша хатокордир», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

«Эхтикор» луғатда «ушлаб туриш» деган маънони англатади. Шариатда эса сотиб олинган нарсанинг нархини ошириш учун уни қасддан сотмай, ушлаб туришга «эхтикор» дейилади.

Ушбу таърифдан эхтикор бўлмайдиган ҳолатлар ҳам аён бўлади.

1. Ўзи етиштирган нарсани ушлаб туриш эхтикор эмас.

2. Қайта сотиш учун эмас, ўз эхтиёжи учун сотиб олган нарсани ушлаб туриш ҳам эхтикор эмас.

3. Бошқа юртдан сотиб олиб келинган нарсани ушлаб туриш ҳам эхтикор эмас. Агар доимий равишда олиб келадиган одам бўлса-ю, нархни сунъий равишда ошириш мақсадида ушлаб турса, бу эхтикор бўлади.

Уламоларимиз халқ оммасининг эхтиёжи кўпроқ тушадиган нарсалар, хусусан, озиқ-овқатнинг эхтикорига алоҳида, бошқа нарсаларнинг эхтикорига алоҳида қараганлар.

Биринчисини мутлақо мумкин эмас, десалар, иккинчисини кимматчилик вақтида мумкин эмас, деганлар.

Эхтикор ҳақида юқоридаги мазкур ҳадисдан бошқа бир қанча ҳадислар ҳам келган. Улардан баъзиларини

зикр қилсак, мавзуни яна ҳам очикроқ тушунишимизга ёрдам берса, ажаб эмас.

Имом Аҳмад, Баззор, Ҳоким, Дорақутний ва бошқалар Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким таомни қирк кеча эҳтикор қилса, батаҳқиқ, у Аллоҳдан воз кечган, Аллоҳ ундан воз кечган бўлади. Қайси юртнинг аҳлидан бир киши оч ётган бўлса, батаҳқиқ, улар Аллоҳнинг зиммасидан тушган бўлурлар», деганлар.

Яъни қайси юртнинг аҳолиси ичида бир киши бир кеча оч ётса, ўша кишини оч қўйганлари учун ўша юртнинг бутун аҳолиси гуноҳкор бўлади.

Баъзилар айни ушбу ҳадисга суяниб, «Эҳтикор фақат таомда бўлади», дейдилар. Лекин жумҳур уламоларимиз: «Эҳтикор ҳақидаги ҳадислар кўп, улардан фақат битта ҳадисда таом зикр қилинган. Бу эса эҳтикор фақат таомда бўлади, дейишга асос бўла олмайди», дейдилар.

Бошқа ҳужжат ва далиллар ҳамда воқелик эҳтикор таомдан бошқа нарсаларда ҳам бўлишини кўрсатади. Шу билан бирга, таомни нарҳини ошириш учун сотиб олиб, қирк кун ва ундан кўп ушлаб туриш эҳтикор бўлиб, бу катта гуноҳ эканини айни мана шу ҳадисдан билиб оламиз.

Банда учун Аллоҳ ундан юз угиришичалик катта бахтсизлик йўқ. Таомнинг нарҳини сунъий равишда ўстириш учун эҳтикор – монополиячилик билан шуғулланадиган кўпчилик кимсалар бу ҳақиқатни тушунишлари ҳамда бу харом ишларидан тезда воз кечишлари лозим.

Имом Ибн Можа, Доримий ва Байҳақийлар Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жалб қилувчи ризклантирилгандир. Эҳтикорчи лаънатлангандир», деганлар.

«Жалб килувчи» бошқа юртдан ўз юртига керакли нарсаларни олиб келиб сотувчидир. Демак, бу иш яхши иш. Уни қилган одамнинг ризқи улуғ бўлади.

Аммо ўз юрти бозоридаги энг керакли нарсаларни сотиб олиб, ушлаб туриб, сунъий равишда нархни оширувчи – монополиячи эса малъундир. Чунки у кўпчиликни ноилож ҳолга қўйиб, ўзи ишлаб чиқармай ёки бошқа жойдан савдо моли олиб келмай, фойда топишга уринган, оддий халқ ҳисобига бойлик орттиришга ўтган ҳаромхўр кимсадир.

Имом Аҳмад Маъқал ибн Ясор розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким мусулмонларга нархни ошириш учун бирор эҳтикор қилса, хатокордир», деганлар.

Имом Аҳмад Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким мусулмонларнинг нархларига киришиб, уларга қимматчилик келтириш учун ҳаракат қилса, қиёмат куни Аллоҳ уни катта оловга ўтирғизишга ҳақли бўлади», деганлар.

Демак, эҳтикорчи бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам қаттиқ азоб-уқубатларга дучор бўлар экан.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мўмин-мусулмон одам мўмай бойлик орттириш мақсадида турли қаллобликларни ишга солиб, бозор нарҳини сунъий равишда кўтариш ишига яқин йўламаслиги керак. Бу иш ҳаромдир, катта гуноҳдир. Нархни бозор белгилайди. Одамлар ўз эрклари ва ихтиёрлари билан савдо қиладилар.

РИБО ҲАРОМДИР

– Савдода харом қилинган нарсалардан яна бири рибонинг барча турлари ва кўринишларидир.

«Рибо» луғатда «зиёда» маъносини англатади. Шариатда эса молни молга алмаштиришда эвазсиз ортиқча мол олишга айтилади.

Рибо, яъни судхўрлик бечораларнинг ночорлигидан фойдаланиб, уларнинг меҳнати эвазига бойлик орттиришдан иборатдир. Бир инсон ночор бўлиб, иш юритишга, оила тебратиб, бола-чақа боқишга сармояси қолмай, пулдор кишининг олдига ҳожатини айтиб борса, унга садака ёки яхши қарз беришнинг ўрнига судхўрлик юзасидан муомала қилади. Яъни «Мен сенга маълум муддатга, маълум миқдор пул бераман. Сен бу пулни бунча фоизга кўпайтириб берасан», дейди. Агар тайинланган муддатдан кеч қолса, яна устига фоиз қўшилади ва ҳоказо.

Ислом жоҳилиятдаги номаъкул ишлардан ҳеч бирига қарши рибога қарши ўт очгандек ўт очмаган. Қуръони Каримда бу ҳақда бир қанча оятлар келган.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءٰمَنُوْا اتَّقُوا اللّٰهَ وَذَرُوْا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَاۤ اِنَّ
كُنْتُمْ مُّؤْمِنِيْنَ

«Эй иймон келтирганлар! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга тақво қилинг ва рибонинг сарқитини ҳам ташланг» (278-оят).

Ушбу оятдан кўриниб турибдики, Аллоҳ таоло рибодек нохуш, харом нарсани йўқ қилишда, бошқа ҳолатларга ўхшаб, аввало, мусулмонларнинг руҳий-маънавий тарбиясига алоҳида эътибор берган.

Яна мусулмонлар учун маҳбуб бўлган «Эй иймон келтирганлар!» деган хитоб ишлатилмоқда. Кетидан:

«Агар мўмин бўлсангиз», – деб яна иймонни орага солмоқда ва ниҳоят

«Аллоҳга такво қилинг», – деб такводор бўлишга чақирмоқда. Охири келиб рибонинг саркитини ҳам тарк қилишга амр этмоқда.

Исломда ҳукм юритишнинг энг таъсирчан йўли ташқи кучларни ишга солиш эмас, балки ҳар бир одамнинг қалбини ўзига кузатувчи қилиб қўйишдир. Исломда кишиларнинг қалбларидаги такводорлик ҳис-туйғусини кучайтиришга ҳаракат қилинади. Ҳар бир кишининг виждони ўзига қоровул бўлади.

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада мусулмонларни рибонинг ўзи у ёқда турсин, саркитидан, қолдиғидан ҳам қайтармоқда. Бу маънони алоҳида таъкидлаш учун кейинги оятда гапнинг пўскалласини очик-ойдин айтиб қўймоқда.

فَإِنْ لَّمْ تَفْعَلُوا فَأْذَنُوا بِحَرْبٍ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَإِنْ تَبَتُّمْ
فَلَكُمْ زُرُوسٌ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ

«Агар ундай қилмасангиз, Аллоҳ ва Унинг Расули томонидан бўладиган урушга ишонаверинг. Агар тавба қилсангиз, сармойангиз ўзингизга. Зулм қилмасиз ва сизга ҳам зулм қилинмас» (279-оят).

Яъни «Агар иктисодий муомалаларингизда ўртадан рибони кўтариб, унинг сарқитларини тарк этмасангиз, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари сизга қарши каттиқ уруш очади. Агар тавба қилиб, рибохўрликдан қайтсангиз, сармойангизни оласиз. Шунда сиз судхўрлик билан бировга зулм қилмаган бўласиз ва сизга ҳам зулм қилинмаган бўлади».

Ибн Ҳиббон ва бошқа ҳадис олимлари Зайд ибн Асламдан ривоят қилишларича, жоҳилият даврида Бану Сакиф ва Бану Муғйра қабилалари ўртасида рибо асосида муомала бўлган экан. Исломига кирганларидан сўнг Бану Сакиф қабиласи Бану Муғйрадан рибо олмасликларини илтимос қилибди. Бану Муғйра ўзаро маслаҳатлашиб, «Исломида бўлганимиздаги муомалалардан рибо олмаймиз, ундан аввалгисидан оламиз», – дейишибди. Уша пайтда Маккаи мукаррамада бошлиқ бўлиб турган Итбан ибн Усайд розияллоҳу анҳу бу ҳақда Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассаломга хат ёзганларида:

«Эй иймон келтирганлар! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга такво қилинг ва рибонинг сарқитини ҳам ташланг. Агар ундай қилмасангиз, Аллоҳ ва Унинг Расули томонидан бўладиган урушга ишонаверинг...» оятлари нозил бўлди.

Пайғамбар алайҳиссолату вассалом бу ҳақда Итбан ибн Усайд розияллоҳу анҳуга хабар бердилар ва у кишини агар Бану Муғйра рибохўрликни тарқ қилмасалар, уларга қарши уруш қилишга буюрдилар. Хабар етганда, Бану Муғйра: «Тавба қиламиз, рибонинг сарқитини ҳам ташлаймиз», дедилар.

Демак, Исломида рибо асосида молиявий алоқа олиб бориш мутлақо ҳаром қилинган. Ночор ҳолга тушиб, турмуш ўтказиш ёки иш юритиш учун сармоёга муҳтож бўлиб қолган шахс билан хайри-эҳсон ёки яхши қарз бериш ила молиявий алоқа олиб бориш лозим.

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَكْلَ الرِّبَا، وَمُؤْكَلَهُ، وَكَاتِبَهُ،
وَشَاهِدَيْهِ، وَقَالَ: «هُمْ سَوَاءٌ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рибохўрни, унинг едирувчисини, котибини ҳамда икки

шоҳидини лаънатладилар ва: «Улар (гуноҳда) баробардирлар», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

САВДО МОЛИНИНГ ОЛДИНИ ТЎСИБ ЧИКИШ ҲАРОМДИР

– Савдода ҳаром қилинган ишлардан яна бири бозорга келтирилаётган савдо молининг олдини тўсиб чиқиб, арзонга олиб, қимматга сотишдир.

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَهَى عَنْ تَلْقَى
السَّلْعِ حَتَّى يُهَيَّطَ بِهَا الْأَسْوَاقُ. رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам савдо молларини бозорларга тушмасидан олдин тўсиб чиқишдан қайтардилар».

Имом Аҳмад ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифда бозор қоидаларидан яна бири баён этилмоқда. Бозор атрофида айланиб юриб, осон йўл билан бойлик орттириш мақсадида нарх-навонинг ўсишига сабаб бўладиган кишиларнинг иши нотўғри экани баён қилинмоқда.

Яъни бу «Ташқаридан бозорга ўз маҳсулотларини сотгани олиб келаётганларнинг олдини тўсиб чиқиб, бозордаги нархни билмасларидан олдин арзон-гаров сотиб олманглар», деганларидир.

Жоҳилият даврида шундай қиладиганлар бор эди. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ўзлари: «Биз улов минганларнинг олдини тўсиб чиқиб, бозорга келмасларидан олдин таомларини сотиб олар эдик», деганлар.

Сахрода, кишлоқда яшайдиган кишилар одатда бозордаги нархдан яхши хабардор бўлишмайди, савдосотик ишларида шаҳар аҳолиси каби устомон ҳам бўлишмайди. Шунинг учун йўлини тўсиб чиқиб, молини сотиб олмоқчи бўлган одамга арзонга сотиб қўйиши мумкин. Натижада у ҳам, бозорга келадиган оддий кишилар ҳам зарар кўрадилар.

Аммо бозорга келиб, вазиятни ўз кўзи билан кўриб, мулоҳаза қилиб сотгани яхши бўлади. Агар бир киши ўз молини олдини тўсиб чиққан чайқовчига сотса-ю, кейин бозорга келиб, нарх-навони кўриб, айниб қолса, молини қайтариб олишга ҳаққи бор.

ЎЗГАНИНГ САВДОСИ УСТИГА САВДО ҚИЛИШ ҲАРОМДИР

– Савдода харом қилинган ишлардан бири биронинг савдоси устига, у баҳолашишни тугатмай туриб савдо қилишдир.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَا يَبِعُ الرَّجُلُ عَلَى بَيْعِ أَخِيهِ، وَلَا يَخْطُبُ عَلَى خِطْبَةِ أَخِيهِ إِلَّا أَنْ يَأْذَنَ لَهُ». وَفِي رِوَايَةٍ: «لَا يَسُمُّ الْمُسْلِمُ عَلَى سَوْمِ أَخِيهِ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Киши ўз биродарининг савдоси устига савдо қилмасин, ўз биродари совчилиги устига совчилик қилмасин. Фақат унга ўзи изн берса, майли», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилишган. Бошқа бир ривоятда:

«Мусулмон ўз биродарининг савдолашиши устига савдолашмасин», дейилган.

Ушбу ҳадиси шарифда савдода содир бўлиб турадиган икки хил ишдан наҳйи қилинмоқда:

1. Бировнинг битирган савдоси устига савдо қилиш. Бу икки хил кўринишда бўлиши мумкин:

Биринчи кўринишда бировдан нарса сотиб олган одамга: «Савдонгни бузиб, нарсасини қайтариб бер, мен сенга худди шу нарсани арзон нархга бераман», дейди.

Иккинчи кўринишда эса: «Бировга нарса сотган одамга: «Савдонгни бузиб, нарсангни қайтариб ол, мен сенга ундан кўра кўпроқ пул тўлайман», дейди.

Бу кишилар ўртасида келишмовчилик, уруш-жанжал келтириб чиқарадиган бузғунчиликдан иборат ишдир. Эркин бозор қоидасига, одамларнинг баъзилари баъзиларидан фойда олишига зид нарсадир. Шунинг учун ҳам бу нотўғри иш шариатда ман қилинган.

2. Бировнинг савдолашиши устига савдолашиш.

Яъни бир киши бир нарсанинг устида савдолашиб кўйди, ҳали бирийўла сотиб олгани йўқ. Шунда бир одам келиб, сотувчига: «Менга сотсанг, ундан кўп нарх бераман», дейиши мумкин эмас. Ёки харидорга: «Менинг худди шу савдолашган нарсангга ўхшаш нарсам бор, сенга арзонга бераман», дейиши мумкин эмас. Савдо битса, битиб кетди, битмаса, учинчи киши ўз мақсадини айтса бўлади. Бу ишда ҳам бошқаларга зарар келтириш борлиги учун ҳаром қилинган.

Ўйлаб кўрадиган бўлсак, бозор ва савдо соҳасида келиб чиқадиган кўпгина уруш-жанжал, келишмовчиликларнинг асосий сабабларидан бири ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган масаладир. Кишиларнинг Ислом таълимотларидан беҳабарликлари, хабардорларнинг мазкур таълимотларга амал қилмасликлари оқибати нима бўлишини шундан ҳам билиб олаверсак бўлади.

ҲАРОМ НАРСАЛАРНИНГ САВДОСИ ҲАРОМДИР

– Савдода ҳаром қилинган ишлардан бири шариатда ҳаром қилинган нарсаларнинг савдосидир.

Ислом шариатида қиймати йўқ ёки ҳаром дейилган нарсаларнинг савдоси билан шуғулланиш мутлақо мумкин эмас. Умуман, савдо билан шуғулланмоқчи бўлган одам дастлаб бу борадаги ҳалол-ҳаромни, мумкин ва мумкин бўлмаган нарсаларни, бу борадаги тижорат одобларини яхшилаб ўрганиб олиши шарт. Шундан кейингина яхши ният билан иш бошлайди.

ЯХШИ НИЯТ ВА АЛЛОҲНИНГ ЗАКРИ

– Савдо одобларидан бири ниятни яхшилаш ва Аллоҳ таолони зикр қилишдир.

Исломда ҳар бир нарса ниятга боғлиқ экани маълум ва машҳур. Шунинг учун ҳам ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби тижоратда ҳам яхши ният шартдир. Ҳалол касб қилиш, топгани ўзига насиб қилиши, топганини яхшиликка сарфлаш, хайр-эҳсон қилиш каби яхши ниятлар қилинса, ишда ва молда барака бўлади.

Аллоҳ таолонинг зикри ибодатдир, шу билан бирга, ёмонликдан тўсувчи ва яхшиликка ундовчи кучли омилдир. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг баъзи ҳадисларида бозорга кирганда Аллоҳ таолонинг зикрини қилишга ундаганлар.

Савдогар ўзига ва оиласига ҳалол ризк топиш ниятида бўлиши керак. Шу билан бирга, ўзидан ортиб қолганини муҳтожларга эҳсон қилиш, савобли ишларга сарфлашни мақсад қилиши лозим. Афсуски, баъзи ҳолатларда ана шундай яхши ниятлар қилиш ҳақида мулоҳаза қилинмайди. Янги иш бошлаб, дўкони олдида турган

савдогарни танишлари табриклар, «Муборак бўлсин, янги иш бошлабсиз-да» дейилса, «Ҳа, бир-иккитаси жиғимга теккан эди, ўшаларни синдиришни ният қилиб турибман», дейдиганлар ҳам йўқ эмас.

САҲАРХЕЗЛИК – ФАЗИЛАТ

– Савдогарларнинг муҳим одобларидан бири саҳархезлик ва ишни эрта бошлашдир.

عَنْ صَخْرِ الْغَامِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «اللَّهُمَّ بَارِكْ لَأُمَّتِي فِي بُكُورِهَا»، قَالَ: وَكَانَ إِذَا بَعَثَ سَرِيَّةً أَوْ جَيْشًا بَعَثَهُمْ أَوَّلَ النَّهَارِ، وَكَانَ صَخْرٌ رَجُلًا تَاجِرًا، وَكَانَ إِذَا بَعَثَ تِجَارَةً بَعَثَ أَوَّلَ النَّهَارِ، فَأَثَرِي، وَكَثُرَ مَالُهُ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَحَسَنَهُ.

Саҳр Ғомидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳим, умматимга сахарини баракали қилгин!» дедилар. У зог лашкар ёки сарийя юборадиган бўлсалар, эрта тонгда юборар эдилар».

Саҳр тожир одам эди. Қачон тижорат (карвони) юборадиган бўлса, эрта тонгда юборар эди. У бой бўлиб, моли кўпайиб кетди».

Термизий ривоят қилган ва ҳасан деган.

Ҳар бир нарсада эрта саҳардан ҳаракат қилиш жуда ҳам фойдали ва баракотлидир. Чунки бунга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари кетган. Тажриба ҳам шуни кўрсатади. Нима иш қиладиган бўлсак, эрта саҳардан бошлашга одатланишимиз керак. Уз меҳнати билан ризқу рўз топиш Ислому умматининг энг яхши авлоди – саҳобаи киромларнинг, энг кўзга кўринган сиймоларнинг одатлари эди. Аммо кейинги

пайтларда одамлар, хусусан савдогалар сахархезликка эътибор бермай қўйдилар. Кечалари турли бўлган-бўлмаган нарсалар билан машғул бўлиб, сахар чоғида ухлайдиган бўлдилар. Бу бараканинг йўқолишига сабаб бўлувчи қабих одатлардандир. Шунинг учун барча мўминлар, хусусан, савдогарлар сахархез бўлиш пайдан бўлишлари лозим.

САВДОГАР МАДАНИЯТЛИ БЎЛИШИ КЕРАК

– Савдогарларнинг одобларидан бири бақир-чақир қилмаслик ва одобларга риоя қилишга интилишдир.

Мусулмон киши бозорга кириб келар экан, сокинликни ўзига лозим тутиши керак. Турли баҳоналар билан овозни баланд кўтариш, бақир-чақир қилиш одобга мутлақо тўғри келмайди. Зотан, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатлари зикрида «Бадхулқ ҳам, қупол ҳам, бозорларда шовқин солувчи ҳам эмас» деган сўзлар келган. Мусулмон киши бозорда ва олди-сотди муносабатларида барча одобларга риоя қилишга уринади, ҳалоллик ва тозаликка риоя этади.

Савдогарнинг одоби гўзал бўлиши савдосининг баракали бўлишига ҳам сабаб бўлади. Харидорларни очик чехра билан кутиб олиш, уларга «Хуш келибсиз» дейиш ва гўзал муомала қилиш жуда ҳам яхши одатдир. Қовокни солиб туриш, келган харидорларга эътиборсиз бўлиш, уларга ширин муомала қилмаслик савдогарнинг ўзига зарар бўлади. Бундай кишининг дўконига бир кирган одам қайта кирмай қўяди.

САВДОГАР БАҒРИКЕНГ ИНСОНДИР

– Мусулмон савдогар бағрикенг, осонликни истайдиган, баъзи нарсаларни ўтиб юборадиган бўлади.

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «رَحِمَ اللَّهُ رَجُلًا سَمَحًا إِذَا بَاعَ، وَإِذَا اشْتَرَى، وَإِذَا اقْتَضَى». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Жобир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Сотганда, сотиб олганда ва ҳаққини талаб қилганда карамли бўлган одамга Аллоҳ раҳм қилсин», дедилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

Мусулмон одам доимо карамли, саховатли бўлиши керак. Айниқса, олди-сотди ва ҳақни талаб қилиш пайтида. Бундай пайтда мумсиклик қилиб, тийиннинг устида етти думалаб туриб олиш барака келтирмайди. Балки сахийлик, очиклик, бироз ўтиб бериш Аллоҳнинг раҳматига, хайру баракага сабаб бўлади.

Ушбу ҳадисда зикр қилинган Аллоҳнинг раҳмати икки дунёга ҳам хосдир. Мазкур ишларда карамли, саховатли бўлган кишиларга Аллоҳ таолонинг бу дунёдаги раҳмати – молу мулкига, ризку рўзига барака, ўзига соғлик-саломатлик, фаровон турмуш ва тинчлик-омонлик беришида кўринса, охиратда эса жаннатга киришга сабаб бўлади.

Демак, сотувчи ҳам, олувчи ҳам карамли, саховатли ва хушмуомала бўлишлари керак. Шунингдек, бировдан ҳаққини сўровчи ҳам яхшилик, хушмуомалалик билан сўраши лозим.

НАРХНИ КЎП ОШИРМАСЛИК

– Нархни ҳаддан ташқари ошириб юбормаслик ҳам мусулмон савдогарнинг юксак одобидир.

Баъзи савдогарлар иложи борича қиммат қилиш пайдан бўладилар. Бу одат ҳам яхши эмас. Унда одамларнинг хожатмандлиги юзасидан осон бойиш истаги бор. Мусулмон савдогар доимо бойиш билан бирга, ўз халқига хизмат қилиш ниятида бўлади. Бунинг учун эса мол-дунё орттириш мақсадини халқ эҳтиёжини кондириниш ва унга хизмат қилиш бурчи ва масъулияти билан баробар қўйиши керак бўлади.

Инсофли савдогарлар ушбу ҳолатни қалблари ила сезадилар. Улар уламолардан сармоянинг устига қанча нарх қўйиш ҳақида сўрайдилар. Уламоларимиз эса маслаҳат тариқасида: «Савдо моли таннархининг учдан бирини фойдага қўйса, одоб ва инсоф юзасидан яхши бўлади», дейишган.

ШУБҲАЛИ НАРСАЛАРДАН ЙИРОҚДА БЎЛИШ

– Савдогар киши шубҳали нарсалардан йироқда бўлиши жуда ҳам зарурдир.

Тижоратда кўп учраб турадиган шубҳали, ноаниқ, аслини билиб бўлмайдиган, шунинг билан бирга, шариатдаги ҳукми ноаниқ бўлган савдо молларидан узоқда бўлиш тожир учун ўта муҳимдир. Мусулмон тожир бундай нарсаларнинг ҳукмини биладиган олимлардан сўраб олиб, кейин сотса, ҳаромдан сақланган бўлади.

عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ الْحَلَالَ بَيْنَ، وَإِنَّ الْحَرَامَ بَيْنَ، وَبَيْنَهُمَا مُشْتَبِهَاتٌ لَا يَعْلَمُهُنَّ كَثِيرٌ مِنَ

النَّاسِ، فَمَنْ اتَّقَى الشُّبُهَاتِ اسْتَبْرَأَ لِدِينِهِ وَعِرْضِهِ، وَمَنْ وَقَعَ فِي الشُّبُهَاتِ وَقَعَ فِي الْحَرَامِ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, ҳалол очиқ-ойдиндир. Албатта, ҳаром очиқ-ойдиндир. Ва икковлари орасида шубҳали нарсалар бордир. У (шубҳали нарса)ларни одамларнинг кўплари билмаслар. Бас, ким шубҳалардан сақланса, дини ва обрўси учун покланган бўлади. Ким шубҳаларга тушса, ҳаромга тушади», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

Ушбу ҳадиси шариф энг улуғ ҳадислардан ҳисобланади. Уламоларимиз: «Бу ҳадис Исломига мадор бўлган учта ҳадиснинг биридир, шунинг учун уни Исломининг учдан бири десак бўлади», дейишган.

Бу ҳадиси шарифнинг улуғлиги шундаки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам унда таом, ичимлик, кийим, никоҳ ва бошқа ҳамма соҳалардаги нарсаларнинг ҳалол бўлиши қоидасини баён қилиб берганлар.

Шунингдек, у зот бу ҳадисда ҳаром нарсаларни ҳам баён қилиб, кишиларни ҳалолга уриниб, ҳаромдан ҳазар қилишга чақирадилар. Шу билан бирга, ҳалол билан ҳаромнинг ўртасида шубҳали нарсалар борлигини, дини ва обрўсини пок сақлашни истаган одам шубҳали нарсалардан эҳтиёт бўлиши лозимлигини таъкидладилар. Шубҳали нарсаларга яқинлашиш худди подшоҳ ўзи учун хос қилган қуриқхона ёнида ҳайвон боқишдек хатарли эканини баён қилдилар.

Сунгида эса бу жабҳада энг муҳим масала қалб масаласи эканини, ҳалол-ҳаромда қалб солиҳ бўлиши лозимлигини тушунтирадилар.

Имом Ибн Арабий:

«Биргина ушбу ҳадиснинг ўзидан ҳамма аҳкомларни чиқариб олиш мумкин», деганлар.

Имом Куртубий эса:

«Бу ҳадис ҳалол ва бошқа нарсаларни батафсил равишда ҳамда барча амаллар қалбга боғлиқ эканини ўз ичига олгандир. Шунинг учун ҳам барча аҳкомларни унга қайтариб, солиштириб куриш мумкин», деганлар.

ХАЙР-ЭҲСОН ҚИЛИБ ТУРИШ

– Савдогарларнинг одобларидан бири савдо молдан хайр-эҳсон қилиб туришдир.

عَنْ قَيْسِ بْنِ أَبِي غَرْزَةَ رضي الله عنه، قَالَ: كُنَّا فِي عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ نَسْمَى السَّمَايِرَةَ، فَمَرَّ بِنَا النَّبِيِّ ﷺ، فَسَمَّانَا بِاسْمِ هُوَ أَحْسَنُ مِنْهُ، فَقَالَ: «يَا مَعْشَرَ التَّجَارِ، إِنَّ الْبَيْعَ يَحْضُرُهُ اللَّغْوُ وَالْحَلِيفُ، فَشُوبُوهُ بِالصَّدَاقَةِ». رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Қайс ибн Абу Фарза розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг даврларида даллол деб номланар эдик. Набий соллalloҳу алайҳи васаллам бизнинг олдимиздан ўтдилар ва бизларни ундан яхшироқ исм билан номладилар: «Эй тожирлар жамоаси! Албатта, савдода беҳуда нарса ва қасам ҳозир бўлади. Бас, уни садақа ила аралаштиринглар», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Тожирлар иш давомида билиб-билмай турли беҳуда гап-сўзларни айтиб ёки ишларни қилиб қўйишлари, ҳатто қасам ичишлари ҳам мумкин. Шунинг учун улар тез-тез садақа бериб туришлари, яъни бу ишларини ювиб туришлари керак.

Яхшилаб эслаб қолиш керакки, мазкур садақа фақатгина беҳуда гап-сўз ва қасамлар эътиборидан, холос. Тожирнинг қилган садақаси унинг алдамчилигини, ҳаромхўрлигини ювиб юбормайди. Бу ҳақиқатни ҳар бир тожир яхши англаб етмоғи зарур.

ЗАКОТНИ ВАҚТИДА АДО ЭТИШ

– Савдогар киши тижорат молларидан закот фарзлигини зинҳор унутмаслиги ва бу молиявий ибодатни вақтида адо этиб туриши лозим.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اَنْفِقُوْا مِّنْ طَيِّبٰتِ مَا كَسَبْتُمْ

«Эй иймон келтирганлар! Касб қилган нарсаларингизнинг покизаларидан... нафақа қилинглар» (267-оят).

Мужоҳид: «Ушбу оят тижорат ҳақида тушган», деган. Бу ояти карима тижорат молларидан закот бериш вожиб эканига далилдир.

عَنْ سَمْرَةَ بِنْتِ جُنْدُبٍ رضي الله عنها، قَالَ: أَمَّا بَعْدُ، فَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم كَانَ يَأْمُرُنَا أَنْ نُخْرِجَ الصَّدَقَةَ مِنَ الَّذِي نَعِدُّ لِلْبَيْعِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Самура ибн Жундуб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Аммо баъд... Шубҳа йўқки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларни савдо учун тайёрлаб қўйган нарсаларимиздан садақа чиқаришимизга амр қилар эдилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амр қилишлари ҳам савдо молларидан закот бериш фарз эканига далилдир.

ҲАМКАСБЛАР БИЛАН ЯХШИ АЛОҚАДА БЎЛИШ

– Мусулмон савдогар ўзининг ҳамкасблари билан яхши алоқада бўлади.

Бу ҳам тижорат одобларининг энг муҳимларидан биридир. Мусулмон савдогар бошқа савдогарлар билан доимо яхши алоқада бўлади. Бир савдо моли ўзида йўқ бўлса, харидорларни шундай моли бор савдогарларга йўллаб қўяди. Асл савдогар ҳамкасбларининг муваффақиятидан хурсанд, уларнинг ташвишига эса шерик бўлади. Бошқа савдогарларга келган фойдадан ўзига фойда келгандек мамнун бўлади.

ЗОЛИМ ХАРИДОРГА ЁРДАМ БЕРМАСЛИК

– Савдогарларнинг муҳим одобларидан бири золим харидорга ёрдам бермасликдир.

«Золим харидор» сотиб олган нарсасини харом ва гуноҳга ишлатадиган харидордир. Харидорнинг харом ва гуноҳ ишлар учун нарса сотиб олиши маълум бўлса, билатуриб унга мол сотган савдогар гуноҳкор бўлади. Мусулмон савдогар халққа, элга, ватанга зарар келтирадиган нарсаларини ўзи ҳам қилмаслиги ва ўзганинг қилишига ёрдамчи ҳам бўлмаслиги керак.

ХАРИДОР БИЛАН ГЎЗАЛ МУОМАЛАДА БЎЛИШ

– Савдогарларнинг муҳим одобларидан бири харидор билан гўзал муомалада бўлишдир.

Бунга харидорни яхши сўз ва муомала билан кутиб олиш, уларга ширинсухан бўлиш, нархيني келишишда бағрикенг, химматли бўлиш, баҳони талаб қилишда ҳам одобли бўлиш кабилар киради. Мусулмон одам доимо карамли, саховатли бўлиши керак. Айниқса, олди-сотди ва ҳақни талаб қилиш пайтида. Бундай пайтда мумсиклик қилиб, тийиннинг устида етти думалаб туриб олиш барака келтирмайди. Балки сахийлик, очиклик, баҳосидан бироз ўтиб бериш Аллоҳнинг раҳматига, хайру баракага сабаб бўлади.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

وَإِنْ كَانَتْ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ وَأَنْ تَصَدَّقُوا خَيْرٌ لَّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ

«Агар ночор бўлса, бойигунича кутишдир. Садақа қилмоғингиз, агар билсангиз, ўзингиз учун яхшидир» (280-оят).

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «رَحِمَ اللَّهُ رَجُلًا سَمَحًا، إِذَا بَاعَ، وَإِذَا اشْتَرَى، وَإِذَا اقْتَضَى». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Сотганда, сотиб олганда ва ҳаққини талаб қилганда карамли бўлган одамга Аллоҳ раҳм қилсин», дедилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

ҚАЛБАКИ ПУЛЛАРНИ ИШЛАТМАСЛИК

– Савдогарларнинг алоҳида аҳамият беришлари лозим бўлган ишларидан бири қалбаки пуллари муомалага киритмасликдир.

Гоҳида савдогарнинг қўлига қалбаки, ишлатилиши бекор қилинган, бошқа юртнинг кераксиз пулига ўхшашлар тушиб қолади. Ҳалол-пок тожир бундай пуллари муомалага киритиб юбормаслиги вожибдир. Агар у ушбу ишни қилса, бошқаларга зарар келтирган бўлади. Модомики ўша пул одамлар орасида юрар экан, тожирнинг гуноҳи кўпайиб бораверади.

АЙНИБ ҚОЛГАН ХАРИДОРГА ЁРДАМ БЕРИШ

– Савдодан айниб қолган харидорга ёрдам бериш ҳам савдогарларнинг гузал одобларидандир.

Баъзи ҳолатларда харидор бир нарсани сотиб олгандан кейин турли сабабларга кўра айниб қолади. Савдогарга савдо молини қайтариб бериб, пулини олишни истайди. Бундай ҳолатда мазкур харидорга ёрдам бериш савобли иш ҳисобланади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ أَقَالَ مُسْلِمًا، أَقَالَهُ اللَّهُ عَشْرَتَهُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким му- сулмоннинг (савдодаги) қайтишини кечирса, Аллох унинг қоқилишини кечиради», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можжа ривоят қилишган.

Бир одам ўзига керак бўлган нарсани сотиб олганидан сўнг ўша нарса ёқмай қолиб ёки унга ҳожати йўқли-

ги маълум бўлиб қолиб, қайтариб олиб келганида уни кечириб, қайтариб олган тожирнинг гуноҳини Аллох таоло кечирар экан.

Кишилар ва уларнинг ҳолатлари турлича бўлади. Шу билан бирга, турли кутилмаган вазиятлар ҳам рўй бериб туради. Чунки одатда харидордан кўра тожирнинг имкониятлари кўп бўлади. Қайтариб олган нарчасини ўша заҳоти бошқа харидор сотиб олиши мумкин. Харидорнинг эса имкони оз, агар тожир қайтариб олмаса, моли зое бўлиши ҳам мумкин. Умуман олганда, тижорий ва бошқа молиявий, иқтисодий муомалаларда ўта кечиримли, сахий ва хушмуомалалик керак бўлади. Мусулмонлик одоби шу. Дарҳақиқат, яхши мусулмон тожир, яхши мусулмон ходим ҳамдир. Ҳозирги кунимизда Индонезия, Малайзия, Фаластин, Сингапур ва бошқа томонларда юз миллионлаб мусулмонлар яшамоқда. Уларнинг юртлари мусулмон бўлишига асосан содиқ ва омонатли мусулмон тожирлар сабаб бўлишган. Тижорат билан бориб, омонат билан муомала қилганларини кўриб, ерлик аҳоли бу фариштасифат одамлар қандай одамлар эканига қизикқанлар. Тожирлар эса ўзларида қай бир яхшилик бўлса, динлари – Исломдан экани, агар хоҳласа, ҳар ким ҳам шундай бўла олишини айтишган. Шунда уларнинг харидорлари ҳам мусулмон бўлишган.

Яхши мусулмон тожир Ислом дини ҳақида бошқаларда яхши таассурот қолдирганидек, мусулмонча ном билан аталган ёмон одам Ислом ҳақида ўзгаларда ёмон таассурот қолдириши турган гап. Бу ҳақиқатни ҳар бир тожир англаб етмоғи лозим.

ТАРМОҚЛИ САВДО

Савдо борасида бўлиб ўтган жараёнлардан бири тармоқли маркетинг деб номланган савдо тури бўлди. Одамлар бу каби ишдан аввал хабардор бўлмаганлари учун алданиб қолишлар кўп бўлди. Бу борадаги гапларнинг энг машхури «QuestNet» тармоқли маркетинги атрофида бўлди. Шунинг учун тармоқли савдо борасидаги гапларни мазкур савдо ташкилотига оид гап-сўзлар асосида баён қилишга ижозат бергайсиз.

Қабулимга кирадиган одамлар ичида «QuestNet» тармоқли маркетинги ҳақида савол сўрайдиганлар пайдо бўлишди ва уларнинг сони аста-секин кўпая борди. Кейин «QuestNet» тармоқли маркетинги шариятга тўғри келади» дебсиз», дейдиганлар ҳам чиқди. Баъзилар: «QuestNet» тармоқли маркетингидагилар сизнинг уларга бу иш тўғрилиги ҳақида ёзма хужжат берганингиз ҳақида гапиришмоқда», дейишди. Мен бу гапни кескин рад қилганимдан кейин «QuestNet» тармоқли маркетингининг тожикистонлик раҳбари бир-икки киши билан қабулимга келди. У одам: «Одамлар сизга тўғри тушунтира олишмабди, ўзим баён қилиб берай», дея узундан-узоқ гапирди. Мен уларнинг гапни олиб қочишда устасифаранг эканини билиб, ёзма баёнот олиб келишини талаб қилдим. Анча муддатдан кейин ёзма баёнот олиб келишди. Мен уни ўрганиб чиқиб, бу иш нотўғри эканини, шариятга тўғри келмаслигини тушунтириб бердим. Уларнинг одатларини билганим учун мажлисни ўзим овоз ёзиш воситаси ила ёзиб ҳам олдим. Кейин одамлар бу борадаги ҳақиқатни англай бошладилар. Тушуниб етганлар бу ишдан ўзларини четга олдилар. Охиروқибат «QuestNet» тармоқли маркетингининг одамлари маҳкамага тортилдилар ва жазоларини олдилар.

Ўша пайтда бу масала islom.uz интернет портали- мизда ҳам кенг тарзда ёритиб борилди. Одамларимиз бу борада ўзларида мавжуд маълумотлар билан ўзаро ўртоклашдилар, «QuestNet» тармоқли маркетингини фoш қилдилар. Ул азизларимизга бу ишлари учун самимий ташаккурларимизни айтамыз. Шу билан бирга, кўпчилик ҳам хабардор бўлишлари учун мазкур ёзиш- малардан кўчирмалар келтирамыз.

«Дунёда тармоқли маркетингнинг ҳар хил тури бор. Ҳар бирининг ўз йўналиши ва шартлари мавжуд. Кейинги йилларда жуда кенг ривожланаётган «QuestNet» тармоқли маркетингига келадиган бўлсак, унинг иш олиб бориш тартиби куйидагича:

Бир киши ишга кириши учун шу компаниянинг чек- ланган миқдорда ишлаб чиқарилган маҳсулотидан бири- ни сотиб олиши шарт. Маҳсулотнинг энг арзони 670 дол- лар. Сунгра у яна бошқа одамларни шу компания маҳ- сулотидан сотиб олишга жалб қилиши керак. У одамлар ҳам ҳар бири иккитадан одам жалб қилади ва ҳоказо....

Шундай қилиб, пирамида ҳосил бўлади. Компанияга тушган пулнинг маълум фоизи пирамидадаги одамлар- га бериб турилади. Ўнг ва чап томонига тенг учтадан олтита одамни жалб қилган одамга компания 250 дол- лардан беради».

Кўпчилик Ислом уламолари «QuestNet» тармоқ- ли маркетингининг иш фаолиятини ҳаром деб фатво беришган. Масалан, Мисрдаги Ал-Азҳар университе- тининг Ислом иқдисодиёти куллияси профессори Ху- сайн Шаҳхата, Қатар давлат университетининг Ислом шариати факультети профессори Алий Муҳйиддин Қо- радоғий, Саудия Арабистони фатво кўмитаси тармоқ- ли маркетингнинг барча иш йўналишларини ҳаром деб фатво чиқарганлар.

Илмий тадқиқотлар ва фатво бериш доимий кўмитасининг 22935-рақамли фатвоси:

Бу каби олди-берди қилиш ҳаром. Сабаби, бу олди-бердидан мақсад, маҳсулотни сотиш эмас, балки кўпроқ фойда кўришдир. Бунда ўн мингга сотилаётган маҳсулотнинг асл нархи юз сўмдан ҳам ошмаслиги мумкин. Бундай компаниялар сизни кичикроқ миқдордаги пул билан (бирор маҳсулотни сотиб олиш билан) компанияга қўшилиш, кейин эса бу пулни бир неча баробар қилиб қайтариб олиш имконияти билан ўзларига жалб қиладилар. Аслида компаниянинг маҳсулот таклиф қилиши кўзбўямачилик, холос. Компаниянинг асосий мақсади маҳсулотни сотиш эмас, балки пирамидага кўпроқ одамларни жалб қилишдир. Бу эса қуйидаги сабабларга кўра ҳаромдир:

1. Бу кўринишдаги олди-берди икки хил рибони ўз ичига олади: рибоул фазл (бир жинсдаги нарсани алмаштиришда зиёда олиш) ва насия рибоси (қарзни адо этишни кечга суриш эвазига олинадиган фойда). Ҳар бир компания аъзосининг мақсади камроқ пул билан қўшилиб, кейинчалик кўпроқ пул ундириб олиш, яъни камроқ пулни вақт ўтганидан сўнг кўпроқ пулга сотиш бўлади. Бу эса аксар уламолар томонидан ҳаром дейилган. Компания таклиф қиладиган маҳсулот эса бир восита, холос. Асосий мақсад, юқорида айтилганидек, мижозлар сонини ошириб, пирамидани юқорирок кўтариш.

2. Олди-бердининг бу кўриниши ғарар (гумонли, ноаниқ савдо) ҳам дейилади. Гумонлиги шундаки, янги қўшилган мижоз бу ишга яна янги мижозларни жалб қила оладими-йўқми, ҳали билмайди (олдиндан айта олмайди). Демак, бу иш унга келажакда фойда келтирадими ёки йўқми, у пирамиданинг юқорисига чиқа оладими ёки унинг энг пастида қолиб, «омадсиз»лардан бири бўлиб қоладими – буни ҳам аниқ билмайди. Асли-

да бундай олди-бердидан ютқазганларнинг сони ютганларга караганда кўпроқ. Демак, бу ишга киришаётган одамнинг олдида аввалдан фақатгина икки хил йўл бор, бу эса гумонли ёки ноаниқ савдо дейилади. Имом Муслим ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай савдодан қайтарганлар.

3. Бу турдаги олди-берди инсонларнинг молини ботил йўл билан ейиш ҳамдир. Сабаби, бунда фақатгина пирамида тепасида турган ва омади келадиганлар ютаверади, қолганлар эса ютқазиб, пулларига куйиб қолаверадилар. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтади:

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ
بِالْبَاطِلِ إِلَّا أَنْ تَكُونَ تِجَارَةً عَنْ تَرَاضٍ مِّنْكُمْ

«Эй иймон келтирганлар! Бир-бирларингизнинг молларингизни богил йўл билан еманг. Фақат ўзаро розилик ила тижорат бўлса, майли» (Нисо сураси, 29-оят).

4. Бу каби олди-бердида алдов, ҳийла, кўзбўямачилик ва инсонларни лақиллатиш бор. Юқорида айтилганидек, компания ўз маҳсулотини сотишни ўзининг асосий мақсади қилиб кўрсатади, бу эса ёлғон. Шунингдек, инсонларга агар компанияга аъзо бўлишса, катта фойдаларга эга бўлишлари ваъда қилинади, бу эса ҳали ноаниқ.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Кимки бизни алдаса, у биздан эмас**», деганлар.

Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анҳудан имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган бошқа ҳадисда эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Сотувчи ва харидор то тарқалгунларига қадар уларнинг ихтиёри ўзларидадир**. Агар рост сўзласалар ва молининг айбини айтса-

лар, уларнинг бу савдоларига барака берилади. Агар молнинг айбини яширсалар ва ёлғон сўзласалар, бу савдоларининг баракаси бўлмайди», деганлар.

Баъзилар бундай савдони даллоллик билан тенглаштирадилар. Бу нотўғри, чунки даллол бировнинг молини сотиб бергани учун маълум миқдорда пул олади. Тармокли маркетингда эса бировнинг молини сотиш учун кириш пули туланади. Даллолликдан мақсад ўз молини тезроқ сотиш, тармокли маркетингдан мақсад эса пирамида аъзоларини кўпайтириш. Орадаги фарқ очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Компания томонидан рағбатлантириш, совға, ҳадя, бонус ёки шунга ўхшаш кўринишда фойда оладиганларга эса жавоб шундай:

Бу ҳам нотўғри, чунки Исломда ҳар қандай совғани ҳам қабул қилинавермайди.

Имом Бухорий қилган ривоятда Абдуллоҳ ибн Салом Абу Бурдага айтган экан: «Сен рибо тарқалган жойдасан, агар бировда ҳақнинг бўлса, у сенга сомон ёки арпа, ёки поя миқдорида бўлса ҳам ҳадя берса, қабул қилмагин, чунки у рибодир».

Исломдаги ҳадяга унинг қайси мақсадда, нима ниятда берилганига қараб ҳукм қилинади. Абу Ҳумайд Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Азд қабиласига мансуб Ибн Лутбия исмли бир кишини закот йиғувчи қилиб тайинладилар. У закот йиғиб келгач, «**Мана бу нарса сизга, мана бу эса менга ҳадя қилинди**», деди. Шунда у зот: «**Отасининг уйида ёхуд онасининг уйида пойлаб ўтирса, унга ҳадя қиладиларми ёки йўқми?!**» дедилар (*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган*).

Бу каби рағбатлантиришлар қандай номланишидан қатъи назар, битта мақсадга қаратилган бўлиб, у ҳам

бўлса – Сизни компанияга қўшилишга ундаш ва бошқаларни ҳам унга қизиқтиришдир.

Афсуски, ҳозирги кунда бундай компаниялар кўпайиб кетди. Нимани таклиф қилишидан, қандай номланишидан ва қандай маҳсулот сотишидан қатъи назар, улар юқорида айтилгани каби иш юритадилар».

ТАВАРРУҚ САВДОСИ

Шариатда «таварруқ савдоси» деган молиявий муомаланинг ҳукми ҳам баён қилинган. Бу каби савдони бизда «реализацияга мол олиш» дейишга одатланилган. Ушбу савдо икки хил бўлиши мумкин.

Биринчисида бир одам иккинчисидан унинг савдо молини насияга олади ва бир муддатдан кейин ўша молни ўз эгасига аввалги нархдан арзонга сотади. Бу рибо олиш учун ишлатилган ҳийла сифатида шариатда ман қилинган савдодир. Эски фикҳ китобларимизда ушбу савдо ҳақида кўп ўринларда сўз кетган ва уни ҳаром дея баҳоланган.

Иккинчисида: Бугунги кунда баъзи чакана савдо билан шуғулланувчи кичик тижоратчилар ўзларининг сармоялари озлиги сабабли катта тижоратчилардан маълум савдо молини олиб, маълум муддатдан кейин харидорга қимматроқ баҳога сотиб, ўзи бироз фойда олгач, молнинг асл эгасига унинг нарҳини қайтариб беради. Бунда икки тараф ҳам фойда олади. Мол эгаси молининг ўзи истаган нарҳда сотилишига, таварруқ савдоси билан шуғулланувчи кичик савдогар устама нархдан фойда кўришга эришади.

Одамларимиз орасида ушбу иккинчи турдаги савдо ҳақида жуда кўп саволлар бўлиб туради. Биз уларга асосан Ислом фикҳи академиясининг қуйидаги қарори билан жавоб берамиз:

ТАВАРРУҚ САВДОСИНИНГ ҲУКМИ

Аллоҳнинг Ўзига ҳамдлар бўлсин!

Ортларидан набий йўқ зотга салавоглар бўлсин!

Ислом фикҳи академияси Маккаи мукаррамада, Робитанинг биносиди, хижрий 1419 йил 11-ражаб(1998 йил, 31 октябр)да бошланган ўн бешинчи мажлисида таварруқ савдосининг ҳукми ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Муноқаша, далил суриштириш, фикҳий қоидаларни ишлатиб, уламоларнинг ижтиҳодларига қайтиш ва фикр алмашувлардан кейин Ислом фикҳи академияси бир овоздан қуйидаги қарорларни қабул қилди:

1. Таварруқ савдоси – сотувчининг мулкида ва қўлида турган молни нарҳини кейин бериш шарти ила сотиб олиб, кейин уни бошқа кишига нақдга сотиш ила пулга эга бўлишдир.

2. Ушбу таварруқ савдоси шариат бўйича жоиздир. Буни уламолар жумҳури айтган. Чунки аслида савдо мувоҳидир. Аллоҳ таоло: «Ҳолбуки, Аллоҳ тижоратни ҳалол қилган, рибони эса ҳаром қилган», деган. Бу савдода рибонинг қасди ҳам, сурати ҳам йўқ. Одамлар қарзни узиш, уйланиш ва бошқа ишлар учун бунга муҳтождирлар.

3. Бу савдонинг асосий шартларидан бири сотиб олувчи савдо молини биринчи сотувчига баҳосидан оз нарҳга сотмаслигидир. Бевосита бўлса ҳам, восита орқали бўлса ҳам. Агар мазкур ишни қилсалар, шариат ҳаром қилган ишни амалга оширган бўладилар, чунки бу ҳийла йўли ила рибо олишдир».

ТАҚСИТ САВДОСИ

«Тақсит» сўзи луғатда «булиб-булиб тўлаш» маъносида булиб, шаръий истилоҳда савдо молини нақд қилиб, баҳосини насия қилишга айтилади. Бунда савдо молининг баҳоси нақд тўлашга нисбатан қимматроқ ёки баробар ёхуд пастроқ бўлишининг эътибори йўқ.

Ислом фикҳи академиясининг еттинчи мажлисида ушбу савдо тўғрисидаги уламолар муноқашаларини тинглангач, унинг жоизлиги тўғрисида қарор қабул қилинди. Албатта, ушбу савдо турининг ҳам тўғри бўлиши учун маълум шартлар амалга оширилиши керак.

Тақсит савдосининг шартлари:

1. Сотилаётган савдо молининг мубоҳ нарса бўлиши;
2. Савдо моли сотувчи ёки вакилининг мулкида бўлиши;
3. Булиб бериладиган маблағ бўлақларининг қиймати маълум бўлиши;
4. Муддатнинг аниқ тайинланган бўлиши;
5. Икки тараф насия ва муддат орасида иттифоққа келишмай, ажралиб кетмаслиги.

Тақсит савдосининг низоми

1-модда. Тақсит савдоси насия савдо турларидан булиб, бунда сотувчи ва олувчи келишилган пулни тайинланган вақтларда булиб-булиб тўлашга келишишади.

2-модда. Тақсит савдосининг битимида қуйидаги шартлар икки нусхада тўлиқ баён қилиниб, ҳар бир нусха сотувчи ва олувчининг қўлида бўлмоғи лозим:

1. Савдо молининг тўлиқ сифати;
2. Баҳонинг миқдори ва (агар берилса) олдиндан бериладиган маблағнинг миқдори;
3. Булиб тўлашга қўйилган муддатнинг аниқлиги;

4. Бўлиб тўланадиган маблағларнинг аниқлиги;

5. Бўлиб тўланадиган бўлақларнинг адади;

6. Бўлиб тўланадиган бўлақларнинг вақти;

7. Баҳонинг тўлиқ тўлаш шартлари;

8. Шу билан бирга, сотувчи ва олувчининг ўзидан содир бўлиши мумкин бўлган баёнотлар, ўзаро келишув асосида қандай баёнот ёки шартлар бўлса, уни келтириш...

3-модда. Савдо моли битим тузилган вақтда харидорга тўла-тўкис берилиши лозим;

Бериш – савдо молига боғлиқ бўлган нарсаларни ва ундан фойдаланишда доимий сифат бўлиб эътибор қилинадиган ҳар бир нарсани ўз ичига олади. Бу эса нарсанинг табиати, урф ва икки томоннинг мақсад тақозосига мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, савдо молини олувчи ундан ҳар қандай тўсиқсиз, тўлиқ тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлиши шарт ҳисобланади. Бу нарса шаръий истилоҳда «таслим» дейилади.

4-модда. Тақсит савдосида сотувчи харидордан баҳонинг ҳамма қисмини тўлиқ адо этгунича гаров ёки зарарнинг ва тўлиқ тўлашнинг кафолатини сураши жоиздир;

5-модда.

А. Сотувчида тақситга сотиладиган товар қийматининг 20%дан кам бўлмаган маблағини олдиндан олиш ҳуқуқи бор;

Б. Харидор гаровни ёки зарар ҳамда тўлиқ тўлаш кафолатини келтирса, келишувга қараб юқоридаги нисбат озайиши мумкин;

6-модда. Харидор бўлиб-бўлиб бериладиган пулни қайси манзилда адо қилишини ҳам аниқ белгилаб олишлари лозим.

7-модда. Битимда харидор зиммасидаги келишилган баҳонинг кўп қисми берилган бўлса ва харидор ўз зим-

масидаги бўлақлардан бир қисмини беролмай қолса, икки тараф учун ҳам ушбу савдо шартномасини бузиш талаби жоиз бўлмайди;

8-модда. Харидор зиммасидаги бериши керак бўлган бўлақни камида икки мартаба ўз вақтидан кечиктирсанин, қолган пулни нақд қилиб бериш ҳақида тузилган келишув амалга ошади.

Тақсит савдосининг баъзи келишувларида «Агар харидор келишилган маблағнинг бир бўлагини ваъдалашган вақтда адо қилмаса, қолган бўлақлари нақдга айланиб қолади ва бу ҳолатда сотувчи учун шу ҳолда харидордан қолган бўлақларнинг ҳаммасини нақд тўлашни талаб қилиши жоиз бўлади», дейдиганлар ҳам бордир. Ушбу шарт жоизми? Бу масала айрим ҳанафий китобларида зикр қилинган.

«Хулосатул фатаво»да шундай дейилади:

«Агар (сотувчи олувчига): «Бўлақнинг тўлаш вақти кирса-ю, тўламасанг, қолган (насия) бўлақлар нақдга айланади» деса, дуруст бўлади ва мол нақдга айланади».

Бу масала «Фатавои Баззозия»да ўзгартирилган, маъно у билан тўғри бўлмайдиган ҳолда зикр қилинган. Рамлий «Жомиъул фусулайн»га ёзган ҳошиясида ана ўшандан огоҳлантириб, қуйидагиларни айтади:

«Баззозия»да келган матннинг маъноси шундай:

Ижарага берувчининг «Қачон бўлақнинг тўлаш вақти кирса-ю, тўламасанг, қолган (насия) бўлақлар нақдга айланади» дейиши дуруст. Шундай булган тақдирда ижарага берувчининг «тўловнинг қолган қисмлари нақдга айланади», дейиши муддатни йўққа чиқаради. Чунки ижарага берувчи ўзининг бу талаби билан шартни бузган бўлади»

«Хулоса»нинг иборасида ҳам: «Қачон бўлақнинг тўлаш вақти кирса-ю, тўламасанг, қолган (насия) бўлақлар

нақдга айланади» деса, дуруст бўлади ва «мол нақдга айланади» дейиш билан муддатни йўққа чиқариш шартни бузганлиги сабабли ҳосил бўлади», дейилади.¹

Демак, ушбу фикҳий матнлар бу каби шартни қўйишнинг жоизлигини кўрсатади. Харидор тақсит савдосидаги шартлардан айримларини бузганда сотувчида ҳам насия муддатини нақдга айлантириш ҳуқуқи ҳосил бўлади. Лекин бундай ҳолатда сотувчи нақдга айланган муддатдаги фойдаларни олмаслиги шартдир. Яъни сотувчи «Муддатни кутаман» деса, фойда олишга ҳақли бўлади, лекин харидорнинг айрим шартларни бузиши сабабли насия муддатини нақдга айлантурса, ўша муддатдаги фойдаларни чиқариб ташлаши лозимдир.

Товарни гаров қилиши.

Аксар фуқаҳолар товарни гаров қилишнинг қуйидаги кўринишига ижозат беришган. Харидор дастлаб товарни сотиб олади. Сўнгра уни ўз мулкига ўтказгач, сотувчининг ўзига гаров сифатида қайтаради. Лекин бунда гаров қилинган товар харидорнинг ўзида қолади. У ўша товарни ўз фойдасига ишлатади.

Ҳаскафий ушбу масалани «Дуррул мухтор»да зикр қилган: «Агар харидор сотувчидан сотиб олган нарсасини қабз қилганидан сўнг, «Ушлаб тур» деса, шу пайтда товарни ўз пулининг баробарида гаровга қўйган бўлади (яъни товарнинг мулкياتи харидорда собит бўлади. Агар товар ҳалокатга учраса, у харидорнинг ҳисобидан бўлади. Шунда шартнома бузилмайди. Бу шарҳни Ибн Обидин ушбу матннинг остида келтирган). Агар харидор товарни қабз қилмасдан олдин шу гапни айтса, у гаров бўлолмайди. Бундай пайтда бу баҳоси келгунча ушлаб турилган товар бўлади. Яъни товарнинг зоминлиги гаровнинг зоминлигидан ўзгачадир. Бир хил нарса икки

¹ Абу Фудда. Юқоридаги манба, 93-саҳифа.

турли кафолат билан кафолатланмайди. Бир-бирига зид икки нарсанинг бир жойда жамланиши тўғри эмас. Агар харидор мулкни ўзида собит қилишдан олдин сотувчига, «Товарни ушлаб тур, пулини олиб келаман», деса ва шу пайтда товар ҳалокатга учраса, савдо шартномаси бузилади».² Бундай гаров турида товар мулкياتини учинчи шахсга ўтказиб юбориш жоиз бўлмайди. Сотувчида агар харидор баҳони тўлай олмаса, товарни сотиб, ўз ҳаққини олиш имконияти бўлади.

Товарнинг ҳужжатини гаров сифатида ушлаб туриш.

Ушбу гаров турида сотувчи товарнинг ўзини бўлма-са-да, унинг эгадорлик ҳужжатларини гаровда ушлаб турса бўлади. Бу ҳолда ҳужжатларни гаровда ушлаш билан гаров комил бўлади. Сўнгра гаров қилинадиган товар харидорнинг ўзида орийат бўлиб қолади.

Агар ушбу савдони тақсит савдоси десак, мулкни харидорга мутлақ ўтказиб бермаслик билан тақсит савдосининг шартларидан бўлган мулк қилиб бериш йўққа чиқади. Шу билан бирга, харидор товарнинг аксар қисмини тўлаб бўлганидан сўнг сотувчи шартномани бузиб, товарни қайтиб олиши ҳам тўғри эмас. Ушбу ҳолатда харидор охириги қолган бўлақларни тўлай олмаса, қўлидаги мулкни сотиб, қолган бўлақларни тўлаши таклифи тўғрироқ бўлади. Бунда сотувчи харидорнинг қўл остидаги мулкни сотишига монеълик қилмаслиги шарт.

Бу кўринишда, агар тарафлар олдиндан келишиб олмаган бўлса, «Тушир, тезлат» қондаси жоиздир. Мазкур қоида насия сабабли қўйилган устамани тушириб, қарзни тезлаб тўлашни жорий қилади. Агар сотувчи харидор тўлай олмаётган бўлақларни «Тушир, тезлат» қондасига кўра оладиган бўлса, ўша бўлақлардаги фойда миқдорини

² «Мажмуъул фатово». 31/234.

чиқариб ташлаши керак. Биздаги жараёнларга кўра, мулкнинг ҳужжатларини харидорга расмий равишда ўтказиб бера олмаса ҳам, сотувчи ушбу мулкнинг харидорга ўтганлиги туғрисида гувоҳлар олдида васика ёзиб бериши, лозим бўлиб қолганда харидорнинг ушбу мулкни сотишига тўсқинлик қилмаслиги лозимдир. Лекин харидор гаров ва кафолат сифатида олган машинасини қўйган бўлса, энди у токи ҳақини ўтаб бўлмагунича, гаров ёки кафолат сифатида қўйган нарсасини сотиб юбора олмайди.

Тақсит савдосида сотувчи харидордан йигирма фоиздан кам бўлмаган маблағни олдиндан олиши жоизлигини юқорида айтиб ўтдик. Шунга кўра, сотувчи харидорга мулкни учинчи шахсдан олиб берар экан, дастлаб ўшани ўзига мулк қилиши, сўнгра харидорга сотиши, харидор имконият қилиб берган маблағ эса олдиндан олинган маблағ деб ҳисобланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Тақсит савдоси учун қуйидаги шаклда битим тузиш мумкин. Ушбу битим томонлар келишувига кўра, албатта тақсит савдосига мувофиқ тарзда ўзгартирилиши ҳам жоиздир.

ШАРТНОМА

Ушбу битим ___ йил ___ ой ___ кунда (жой номи) да (Ф.И.Ш. туғилган сана, ой, кун, жинси, яшаш жойи (паспортга мувофиқ) (бундан кейин сотувчи деб юритилади) ва (Ф.И.Ш. туғилган сана, ой, кун, жинси, яшаш жойи (паспортга мувофиқ) (бундан кейин харидор деб юритилади) томонларидан тузилди.

Ушбу битим ___ йил ___ ой ___ кунда (жой номи) да қуйида СОТУВЧИ деб юритилувчи **Фалончи Фалончи ўғли** (исми-шарифи, фамилияси, туғилган санаси, жинси, паспортида кўрсатилган яшаш жойи) ҳамда қуйида ХАРИДОР деб юритилувчи **Фалончи**

Фалончи ўғли (исми-шарифи, фамилияси, тузилган санаси, жинси, паспортида кўрсатилган яшаш жойи) томонидан тузилди.

БИТИМНИНГ АСОСИ:

Сотувчи ва харидор ушбу битимни ўз розиликлари билан имзоласалар, куйидаги келишув амалга ошади:

– СОТУВЧИ машинани (русуми, ишлаб чиқарилган жойи ва йили, от кучи ва бошқа маълумотлар) ХАРИДОРГА Ўзбекистон давлат валютасида 36 000 000 (ўттиз олти миллион) сўмга сотиб, 6 000 000 (олти миллион) сўм маблағни биринчи бўлак сифатида олди. ХАРИДОР қолган 30 000 000 (ўттиз миллион) сўмни 2014 йилнинг 1 мартдан 2015 йилнинг 1 февралигача, яъни 12 (ўн икки) бўлақда, ҳар ойнинг 1 (биринчи) кунида 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўмдан СОТУВЧИга тўлаб боради.

– ХАРИДОР ушбу (русуми, ишлаб чиқарилган жойи ва йили, от кучи ва бошқа маълумотлар) машинани айтиб ўтилган қайдлар асосида сотиб олиш шартини қабул қилди.

КЕЛИШУВ ШАРТЛАРИ:

Сотувчи ва харидор ушбу битимнинг куйидаги шартларига келишиб олишди:

1. Сотувчи сотилаётган (русуми, ишлаб чиқарилган жойи ва йили, от кучи) машинанинг ўз мулки эканини тасдиқлади.

2. ХАРИДОР ушбу машинани ўз кўзи билан кўрганини, савдони бузиб, сотувчига машинани қайтариб бериш учун ҳеч қандай сабаб йўқлигини тасдиқлади.

3. ХАРИДОР савдода қайд қилинган маблағ бўлақларини милодий 2014 йил 1 январдан 2014 йил 31 декабр-гача, яъни 12 (ўн икки) бўлақда ҳар ойнинг 1 (биринчи) кунида Ўзбекистон давлат валютасида 2 500 000 (икки

миллион беш юз минг) сўм миқдорда СОТУВЧИга кўрсатилган манзилга етказиб беришга рози бўлди.

4. ХАРИДОР тўлов бўлақларини адо қилгунга қадар СОТУВЧИ ундан гаров ёки кафолат талаб қилиши мумкин.

5. Харидор 4-бандга рози бўлса, келишилган тўлов бўлақларини тўлай олишининг исботи учун молиявий кафолат, ишонч қоғозлари ёки кўчмас мулк ҳужжатлари кабиларни тақдим қилади.

(Бизда сотувчи ушбу машинанинг фақат ҳужжатларини гаров сифатида ушлаб туришини йўлга қўйиш мумкин. Лекин бу харидорга машинани мулк сифатида тасарруф қилиш ҳуқуқига тўсқинлик қилмаслиги билан бирга шу кўринишдаги гаровни қўйган бўлса харидор савдо молини учинчи шахсга сотиб юбориши тўғри бўлмайди)

6. Харидор келишилган бўлақлардан бирини (харидор бунинг неча марталигини сотувчи билан келишиши мумкин) сабабсиз бера олмаса, сотувчи қолган бўлақларни нақд беришни талаб қилиш ҳаққига эга бўлади.

7. 6-банддаги ҳолат юзага келганда сотувчи харидордан қолган бўлақларни нақд олар экан, нақд олаётган бўлақлардаги фойдаларни олмайди.

(Чунки аслида насия савдоси сабабли нарх оширилган эди. Бу вазиятда эса тўловни нақд олиш билан насия савдоси нақд савдога айланмоқда. Шунинг учун ҳам сотувчи нақд олган қисмидаги қўйилган фойдаларни олмайди. Мабодо фойдаларни олмоқчи бўлса, насия муддатини кутсин. Йўқ, кутмайман деса, нақд олар экан, уларнинг фойдасини олмасин. Шу сабабли ҳисоб-китоб жараёнида икки тараф ҳам ҳар бир бўлақнинг фойдасини алоҳида белгилаб боришлари маъқул бўлади).

8. Агар харидор агар бошқа ўринда тўлашга келишилмаган бўлса, харидор тўлов бўлақларини сотувчи яшайдиган манзилда беради.

9. Харидор келишилган маблағларни тўла адо қилиб бўлгач, сотувчи гаров ёки кафолатларни эгасига қайтариб беради. Сотувчи харидорга машинани топширгач, ушбу машинага етадиган ҳеч қандай зарарга масъул бўлмайди.

10. Келишилган маблағнинг барчаси ёки аксар қисми адо қилинган, сотувчи машинани қайтариб олиши ёки унинг нархига устама қўйиши мутлақо жоиз эмас.

11. Расмий шартнома давомидаги сарф-харажатлар, мулкни кўчириш каби тўловлар харидор зиммасига юкланади.

12. Ушбу битим икки нусхада имзоланиб, ҳар икки томонда бир нусхадан сақланади. Шартноманинг ажралмас қисми бўлган тўлов жадвалини икки томон юз-ма-юз тўлдириб боришади.

Сотувчи: имзо / _____ /
Харидор: имзо / _____ /

Гувоҳлар:

1. имзо / _____ /
2. имзо / _____ /

01.02.14 Шанба.

ТУЛОВЛАР ЖАДВАЛИ

Тулов ойлари	Тулов саналари	Тулов булаklarининг асл баҳоси (сумда)	Тулов булаklarининг фойда баҳоси (сумда)	Жами
1	01.03.2014	2 000 000	500 000	2 500 000
2	01.04.2014	2 000 000	500 000	2 500 000
3	01.05.2014	2 000 000	500 000	2 500 000
4	01.06.2014	2 000 000	500 000	2 500 000
5	01.07.2014	2 000 000	500 000	2 500 000
6	01.08.2014	2 000 000	500 000	2 500 000
7	01.09.2014	2 000 000	500 000	2 500 000
8	01.10.2014	2 000 000	500 000	2 500 000
9	01.11.2014	2 000 000	500 000	2 500 000
10	01.12.2014	2 000 000	500 000	2 500 000
11	01.01.2015	2 000 000	500 000	2 500 000
12	01.02.2015	2 000 000	500 000	2 500 000
		24 000 000	6 000 000	30 000 000

ШИРКАТЛАР ҲАҚИДА

«Ширкат» луғатда «аралашиб кетиш» маъносини англатади.

Шариатда эса ширкат деб сармоя ва фойда хусусида шерик бўлганлар орасидаги ақдга айтилади.

Ширкат муомаласи Қуръони Каримда зикр қилинган. Аллоҳ таоло:

«Улар учдан бирига шерикдирлар», деган (*Нисо сураси, 12-оят*).

Яъни меросга қолган молнинг учдан бирига шерик бўлиб, молик бўлурлар, деганидир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло бошқа бир оятда:

«Албатта, кўп шериклар бир-бирларига зулм қилурлар. Иймон келтириб, солиҳ амал қилганларгина мустасно. Улар жуда ҳам оз», деган (*Сод сураси, 24-оят*).

Ислом уммати доимо мол-мулкда, молиявий муомалаларда шерикликни маъқуллаб келган. Чунки модомики, кишилар бир жамиятда яшар эканлар, бундай ишга муҳтождирлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: أَنَا ثَالِثُ الشَّرِيكَيْنِ مَا لَمْ يُخْنِ أَحَدُهُمَا صَاحِبَهُ، فَإِذَا خَانَهُ خَرَجْتُ مِنْ بَيْنَهُمَا». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ بِسَنَدٍ صَحِيحٍ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Аллоҳ таоло: «Мен икки шерикнинг, модомики уларнинг бири ўз шеригига хиёнат қилмаса, учинчисидирман. Бас, қачон унга хиёнат қилса, ораларидан чиқурман», дейди».

Абу Довуд саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси қудсийда шерик бўлганларнинг бир-бирларига хиёнат қилмасликлари ҳақида қаттиқ таъкидлаш бор.

Агар шериклар бир-бирининг ҳақиға кўз олайтирмаса, поймол қилмаса, Аллоҳ таоло улар билан бирга бўлади. Хайр-барақа бирга бўлади.

Агар шериклар бир-бирларига хиёнат қилсалар, Аллоҳ таоло уларнинг орасидан чиқади. Уларнинг ширкатидан хайр-барақа ҳам кўтарилади.

Сўнг уларнинг орасига шайтон киради, ширкатлари эса таназулга юз тутади.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، قَالَ: أَعْطَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ خَيْرَ الْيَهُودِ أَنْ يَعْمَلُوهَا، وَيَزْرَعُوهَا، وَهُمْ شَطْرُ مَا يَخْرُجُ مِنْهَا. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Хайбарни яҳудийларга у ерда ишлаб, зироатчилик қилишлари учун бердилар. У ердан чиқадиган нарса-нинг ярми уларга бўладиган бўлди».

Туртовлари ривоят қилишган.

Мадинаи мунаввара яқинидаги Хайбар номли жойда яҳудийлар яшаган. Уларнинг хиёнатлари сабабли мусулмонлар билан ораларида уруш чиққан. Урушда улар енгилиб, ерлари ўлжа сифатида мусулмонларга ўтган. Ана шунда Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам яҳудийлар билан шартнома тузиб, ўша ерларни уларга деҳқончилик қилиш учун берганлар. Чиққан маҳсулот ўртада тенг тақсимланадиган бўлган.

Ислom шариатида ширкатлар ишига катта эътибор берилган. Чунки эркин иқтисодий ривожланиш асосан ширкатларга боғлиқ. Кўпчилик бир ўзи бирор ишни юритиши қийин. Ширкат бўлганда эса иш осонлашади.

Шунинг учун ҳам эски фикҳ китобларини варақлайдиган бўлсак, бу масалада жуда кўп фойдали маслаҳатларни кўрамиз. Мусулмон кишилар топган молу мулклари ҳалол-поқ бўлишини истасалар, бошқа иқтисодий фаолиятлари қатори, ширкат ишларида ҳам шариат кўрсатмаларига амал қилмоқлари лозим.

Ислом шариати нуқтаи назарида ширкатлар иқтисодий ривожнинг энг муҳим асосларидан ҳисобланади. Чунки уларда шериклик асосида кишилар ўз фикрлари, ишлари, сармоялари ила кўпчилик билан ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлиб иқтисодий фаолият олиб борадилар. Шунинг учун ҳам улардан кўп фойда келади. Лекин бу ишда ҳам ҳалоллик керак, хиёнат бўлмаслиги лозим.

Бизга ватандошларимиздан бўлган мурожаатларнинг кўпчилиги музораба ширкати ҳақида бўлганини эътиборга олиб, ширкат ҳақида батафсил маълумот тақдим қилишга қарор этдик.

МУЗОРАБА ШИРКАТИ

Музорабанинг таърифи, унинг шариатда борлиги ва татбиқ этиш кайфияти;

Музорабанинг икки турга бўлиниши;

Музорабанинг шартлари;

Музорабанинг ҳукмлари ва сифати;

Ислом банкларида музорабанинг фойдали ишлаб чиқариш воситаси бўлаётгани;

Ижтимоий ишлаб чиқариш учун шерикчилик музорабаси.

* * *

Музорабанинг таърифи, унинг шариатда борлиги ва татбиқ этиш кайфияти.

Музораба – сармоя эгаси билан музораба ишини юритувчи тажрибали ишчи (бундан кейин «ишчи»

дейилади) орасидаги тижорат шартномаси бўлиб, ҳар келишув ниҳоясидаги фойда улар ўртасида келишилган нисбатга кўра тақсим қилинади. Аммо зиён ёлғиз сармоя эгасига юкланади. Музораба амалини юритувчи эса бу жараёнда иш ёки жидди-жаҳдига куяди. Яъни ушбу шартномада сармоя бериб туриш бир тарафдан, ишни идора қилиш ва сармойани тасарруф қилиш иккинчи тарафдан содир бўлади.

Музораба шартномаси билан икки тарафнинг – сармоя эгаси ва ишчининг манфаатлари юзага чиқади. Биринчи тарафнинг сармойаси бўлса-да, лекин у билан тижорат қилишда вақти ёки тажрибаси бўлмайди. Иккинчи тарафнинг эса тижорий ишларда билими бўлади-ю, лекин ушбу билимни амалда қўллаш учун маблағи бўлмайди.

Музорабанинг шариятда жоизлигига тижоратни мувоҳаб қилган қуръоний оятларнинг умумий ёки мутлақ маънолари далолат қилади.

Аллоҳ таоло Муззаммил сурасида марҳамат қилади:

«...ва бошқалари ер юзида кезиб, Аллоҳнинг фазлини исташини...» (20-оят).

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

«Роббингиздан фазл исташингизда сизга гуноҳ йўқ» (198-оят).

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам йигитлик даврларида Ҳадийжа онамиз розияллоҳу анҳонинг моллари билан Шомга бориб музораба қилганларини рисолат келганидан кейин иқроқ қилдилар. Яъни бу ишнинг жоизлигини тасдиқладилар.

Саҳобалар музораба билан шуғулланишар, улардан бирортаси бу ишга қарши чиқмас эди. Турли асрларда музорабанинг жоизлигига бутун уммат ижмоъ қилиб келди.

Музорабани амалга ошириш ёки татбиқ қилиш осон: Банк ёки ундан бошқа тараф сармоя эгаси сифатида

молни тақдим қилади. Иккинчи тараф эса фойдадан келишилган муайян ҳисса эвазига ушбу молни самарадор қилиш майдонида ишлайди.

Музораба муддатининг ниҳоясида бирор шартнома бажариб бўлингач, ёхуд тижорий режа охирига етгач, ёки даврий босқичлардан ҳар бир босқич амалга ошгач ва ёки тижорий босқичлардан аксари босиб ўтилгач, нақд пул кўлга тушса, сарф-харажатлар қопланиб, қолган соф фойда келишувга кўра тақсимланади. Шунга кўра, шериклик музорабада талафотга учраган ва ғасб қилинган маблағлардагидек, нақд пул эмас, балки тақдирий қиймат ҳам фойдага қолиши мумкин. Бунда уларнинг мислини тақсимлаш имконсиз бўлгани учун қийматларини чиқариб тақсим қилинади.

Агар зиён бўлса, ушбу зиён сармоя эгаси сифатида банк ёки унинг ўрнидаги бошқа сармоядорнинг зиммасида бўлади. Банк фойдаларни тақсимлашдан олдин сармояни қайтариб олади. Бу «Фойда сармояни сақлаш учундир» қондаси асосида бўлади. Агар фойда тижорий амалиёт тугашидан олдин тақсимланса, бу ҳисобга кўра ва сармоя бутун қолиши юзасидан бўлади.

Музорабанинг икки турга бўлиниши.

Музораба мутлақ ёки қайдланган бўлади.

Мутлақ музораба ҳеч қандай қайдларсиз ниҳоясига етади. Бунда банк ёки пулдор шахс молни музорабага бериб, иш, макон, замон, амалнинг сифати ва ишчининг ким билан муомала қилишини белгиламайди.

Қайдланган музорабада эса айрим қайдлар келтириб ўтилади. Бунда банк молни бошқа шахсга берар экан, муайян товарда ёки муайян шахар ёки бозорда маълум вақт орасида ишлашини белгилаб кўяди. Ёки фақат маълум шахс билан муомала қилишни қайд этади. Шунга кўра, сармоядор ишчига бозорнинг урфида

муайян фойда келтирадиган савдо молидагина тижорат қилишни шарт этиб қўйиши ҳам жоиздир.

Музорабанинг шартлари.

Музорабанинг тўғри бўлиши учун унда бир неча шартлар топилиши лозимдир.

1. Сармоя тижорий товарлар ёки савдо моллари бўлмай, балки нақд пул бўлиши шарт. Шофёийлардан бошқа фуқаҳолар жумҳури музорабани савдо моллари билан қўшиб қилишни ҳам жоиз дейишган. Бунда музораба шартномасини тузиш пайтида ўша савдо молларининг қиймати чиқарилиб, шу қиймат музорабанинг сармояси деб эътибор қилинади;

2. Сармоянинг миқдори шартнома тузилган пайтда қайд этиб қўйилиши ёки бу қиймат ундан келган фойда эгалари ўртасида тақсимлангунга қадар маълум бўлиши шарт. Агар сармоя номаълум бўлса, сармоядан ортган фойдани аниқлаб бўлмай қолади.

3. Сармоя бировнинг зиммадаги қарз ва ишчининг қўлга олиш имкони йўқ ғойиб маблағ бўлмай, балки қўлдаги муайян маблағ бўлиши шарт. Ишчи ўз зиммасидаги қарзни эгасига топширмагунча ундан қутула олмайди. Ишчи қарзни ҳақдорнинг рухсати билан қарздордан олса, уни музорабанинг сармояси қилиши жоиздир. Худди шунингдек, омонатни ҳам қўлига олгач, уни музорабанинг сармоясига айлантириши мумкин.

4. Жумҳур фуқаҳоларнинг қарашларига кўра, сармояни ишчининг қўлига тижорат тақозосига кўра ишлата оладиган тарзда топшириш шарт. Ҳанбалийлар эса: «Сармоя сармоядорда туриши ва уни эҳтиёжга қараб, ишчига бўлак-бўлак қилиб бериши жоиз, чунки музораба шартномаси молни топширишни эмас, балки уни мутлақ тасарруф қилишни тақозо этади», дейишади.

5. Икки тараф шартномада фойда оз ёки кўп бўлишидан қатъи назар, уни ярим ёки учдан бир каби маъ-

лум нисбатда тақсимлашга келишиб олишлари шарт. Бу фойдадаги шерикчилик асосида бўлади. Аммо зиён ёлғиз сармоя эгасининг зиммасида бўлиб, ишчига эса ундан бирор нарса юклатилмайди. Чунки зиён сармоянинг нуқсонга учрашидир. Сармоянинг эгаси эса сармоядордир. Шунга кўра, сармоядор ишчига сармоя билан кўшиб, маълум маблағни ёки молдан муайян фоизни бериш шартини қўйиши жоиз эмас. Лекин ишчи сармоя эгасига сармоянинг ўзидан фойдалар ҳисобига кўра маълум нисбатда бериб туриши жоиз бўлади.

6. Фойда миқдорининг маълум бўлиши ҳам шарт, чунки шартнома шунинг устига қурилади. Фойданинг номаълумлиги шартномани фосид қилади. Шу билан бирга, ҳар икки тарафнинг насибаси келишилган ҳолда бўлакларга бўлинадиган бўлиши ҳам шарт, чунки шартноманинг тақозоси фойдадаги шерикчиликдир. Икки тарафнинг бирини қўйиб, иккинчисига аниқ ёки муайян миқдорни белгилаб қўйиш жоиз эмас, чунки бунда фойдадаги шерикчилик асоси йўққа чиқади.

Музорабанинг ҳукмлари ва сифати.

Музорабанинг бир неча шаръий ҳукмлари бор:

1. Музорабада шерикчилик жоиздир. Бунда ишчи ўзининг хос молларини музораба молларига кўшиб юборади. Натижада у сармояда ҳам шерикка айланади. Шундан кейин сармояни тасарруф қилади ва фойда ҳар бир шерикнинг сармояси нисбатида тақсим қилинади.

2. Ишчилар бир нечта бўлиши ҳам жоиздир. Бунда сармоядор музораба қилиш учун бир шартноманинг ўзида икки ёки ундан кўп кишига ўз молини беради. Ишчиларнинг тажрибаси ва амалига қараб фойда миқдорлари тенг ёки ҳар хил бўлиши мумкин.

3. Сармоядорнинг музорабадан кўзлаган мақсади юзга чиқиши, фойда ҳосил бўлиши учун музораба амалиё-

тини қийинлаштирмаган ҳолда айрим фойдали қайдларни белгилаб қўйишининг зарари йўқ. Шундай чоғда ишчи қўйилган шарт ёки қайдларга амал қилмаса, у ғасб қилувчи – бировнинг мулкани куч билан тортиб олувчи бўлиб, (зиёнга учраса) сармояга зомин бўлади – тўлаб беради.

4. Ишчи тижорат урфига кўра ижара ёллаши ёки ўзига қийин бўлган ҳар бир ишда ходим ёллаши ҳам жоиздир. Яна музораба молини бошқа кишининг ҳузурида омонатга қўйиши ҳам мумкин, чунки омонатга қўйиш тижоратдаги заруратлардандир. Шу билан бирга, олди-сотди ишларида вакил тайин қилиши, музораба молини ўзи билан сафарга олиб чиқиши ҳам ишчининг ҳуқуқларидан ҳисобланади. (Албатта, бу ишлар юқорида кўриб ўтганимиздек, сармоядор қўйган қайдларга зид бўлмаслиги лозим).

5. Ишчининг қўлидаги музораба моли омонат ҳисобланади. Ушбу мол талафотга учраса, ишчи уни тўлаб бермайди. Лекин унинг айби билан, ҳаддидан ошиши ёки бепарволиги сабабли талафотга учраса, тўлайди. Бундай ҳолатларда сармоядор сармояни тиклаш учун ишчидан (сармоя миқдоридан) гаров талаб қилиши жоиздир. Ёки ишчининг бепарволиги сабабидан сармояга етган зарарни тўлдирадиган кафил талаб қилиши ҳам мумкин. Лекин сармоядор сармоя ёки фойданинг (табиий) талафотида ишчининг зиммасига талофатни тўлашни юклаши жоиз бўлмайди. Чунки ишчи сармояга нисбатан омонатдор шахс, холос. Омонатдорга тўлаб буришни юклаш ботилдир. Шарт ботил бўлса-да, музораба шартномаси тўғри бўлаверади.³ Зеро, бундай ҳолатда ишчининг шерикликдаги сармояга зомин бўлиши рибонинг зиёдасини тўлаб беришга ўхшаш муомалага айланиб қолади.

³ Ислом фикҳи академиясининг 4-мажлиси, 5-қарори, 4-бандида шундай дейилади: «Музораба ишини юритувчининг сармояни ёки маълум фойдани, ёхуд сармояга тегишли ҳолатларга зоминлиги шартнома матнида очиқ-ойдин ёки зимдан кўрсатилган бўлса ҳам, ушбу зоминлик шартни ботил бўлади. Ишчи ўзининг музораба фойдасига ҳақли бўлаверади».

6. Ишчи музорабанинг фойдасига мувофик тарзда иш юритиши керак. Музораба молидан бирор нарсани қарз ёки эҳсон қилишга унинг ҳаққи йўқ. Ёки сармоядан кўп миқдордаги нарсани сотиб олиши, музораба молига бошқани шерик қилиши ҳам тўғри бўлмайди. Лекин сармоядор рухсат берса ёки ишни ўз фикрича юритишни унга топширган бўлса, бу ишларни қилиши жоиздир. «Ишчининг молни насияга сотиши ва кишиларга молнинг урфий нархидан ошириб сотиши жоизми?» деган масалада икки хил фикр бор. Бу фикрнинг кучлироғи урфга қараб қайдлашдир. Сармоядорда ишчининг зиммасига фақат нақдга сотишни шарт қилиб қўйиш ҳаққи бор. Шунда ишчи насияга сотса ва зиён кўрса ёки пулни ундира олмаса, ўзи тўлайди.

7. Ишчида музораба молидан ибзоъ қилиш ҳукуки бор. Ибзоъ – кишига фалон шаҳардан товар сотиб олиши учун мол беришдир. Бунда у киши иши учун эваз олмайди. Ушбу ҳолдаги фойданинг барчаси сармоя эгасига бўлади. Музораба ишини юритувчига бу фойдадан ҳисса тегмайди, чунки мол омонат бўлиб, ушбу омонатнинг барча ҳосиласи унинг эгасига тегишлидир. Улар тижорий ҳисоботлар орасига кирмайди. Яъни ибзоъ иш билан мол орасидаги шериклик бўлиб, ишчи ўз ишини кўнгилли тарзда қилади, фойданинг барчаси мол эгасига бўлади.

8. Ишчи фойдадаги ўз ҳиссасини фақат сармоядорнинг рухсати билангина олиши мумкин. Сармоя тўлдирилмагунча фойдадан ололмайди, чунки «фойда сармояни сақлаш учундир». Агар зиён кўрилса, дастлаб сармоя фойдадан тўлдирилади. Худди шунингдек, музораба амалиёти ниҳоясига етмай туриб фойда тақсим қилинган бўлса-ю, сўнгра сармояга зиён етса, ўша тақсим қилинган фойдадан сармоя ўрнига келтирилади.

9. Мол нақд пулга айланмагунча ва сармоядор сармояни қўлига олмагунча ишчи фойда олишга ҳақли

бўлмайди. Лекин назарий жиҳатдан Ислом банклари билан шерикчилик алоқалари маълум вақт ва давомийлиги, ижтимоий тижорат ва тадбиркорларнинг (маблағни) чиқариб олишлари сабабли нақд бўлмаган маблағларнинг қийматини чамалаб бориш тўғрисида.

Ислом фикҳи академияси ўзининг 4-мажлиси, 5-қарор, 6-моддасида шундай дейди: «Тақсимлаш маҳали шаръий маънодаги фойдадир. Фойда самара ёки натижа эмас, балки сармоядан зиёда бўлган нарсадир. Фойданинг миқдори молнинг нақд пулга айланиши ёки молнинг нақд пулга айлангандаги қонуний қиймати билан билинади. Мол нақд пулга айланганда ёки унинг қиймати чиқарилганда сармоядан ошгани фойдадир. Ушбу фойда сармоядор билан музораба ишининг юритувчиси орасида шартнома шартларига мувофиқ тарзда тақсим қилинади».

7-моддада шундай дейилади: «Фойда зоҳир бўлганда унга нақд пул билан ёки қиймат билан эга бўлади. Бу ҳам фақат тақсим билан ва самара ёки натижани келтирган қонуний нисбат билан амалга ошади, чунки самарани тақсимлаш жоиздир. Мол нақд бўлишидан олдин икки тараф тақсимлаб олган нарса умумий ҳисобнинг остига киради (яъни худди аванс сифатида олгандек ҳисоб қилинади)».

10. Музорабадаги сармояни учинчи тараф (яъни музораба шартномасини тузувчилардан бошқа тараф) кўнгилли тарзда тўлаб бермоқчи бўлса, унга тўсқинлик қилинмайди. Яъни бу ўша учинчи тарафнинг совғаси ҳисобланади. Хайрия ишларида ноаниқликлар кечирилади. Бу ўринда йўқотилган воқеликдаги фойдани эмас, балки фақат сармоянинг аслига етган нуқсонни тўлдириш кўзда тутилмоқда. (Йўқотилган касб ёки зое қилинган фурсат воқеликдаги фойда эди. Яъни «Сармоядорнинг сармоясини тўлашни зиммасига олган тараф ишчининг зое бўлган фурсатини ҳам тўлаб берсин»,

дейилмайди. Хайрия ишларида шу каби ноаниқликлар, яъни фақат бир тарафга манфаат етказиш кабилар қабул қилинаверади). Хайрия қилмоқчи бўлган тараф сармояни тўлдириш билан чегараланади. Ишчининг сармоядорга сармояни тўлаб бериши тўғри бўлмайди. Зеро, бу музораба шартномасининг тақозосига зиддир.

Ислом фикҳи академиясининг 4-5-рақамдаги қарорининг 9-бандида қуйидаги матн келади:

«Шу ўринда шартнома матнида ёки қарз олди-берди муомаласи ҳужжатида музораба шартномасини тузувчи икки тарафдан **бошқа** – молиявий зимма ва шахсиятда мутлақ мустақил учинчи тарафнинг кўнгилли равишда зарарни тўлаб бериши ваъдасининг ёзилиши шаръий жиҳатдан нотўғри дейилмайди.

Учинчи тарафнинг ҳеч қандай эвазсиз муайян режадаги зарарни қоплаши музораба шартномасига аралашмаган, балки мустақил тарздаги лозим шартномадан ҳисобланади.

Яна шунингдек, айрим моликий фуқаҳолар: «Музораба ишини юритувчи ишчи музораба шартномаси тузиб бўлингач ва у сармояни тасарруф қилишни бошлагач, кўнгилли равишда сармояни тўлаб беришни зиммасига олиши жоиз бўлади», дейишади. Ибн Зоб, Ибн Башир ва унинг шогирди Ибн Итоб шулар жумласидандир. Яъни музораба шартномаси зоминлик шартидан холидир. Лекин бу шарт шартнома тузилганидан кейин юзага чиқади. Гарчи шартнома ва тўлаб бериш шарти умумий кўринишда бўлса ҳам, ишчи зоминликни алоҳида зиммасига олишидан қайтарилмайди. Аммо банк омонат эгалари билан бирга шартнома тузар экан, унга ўз ишлаб чиқариши зоминлигини ёки фойдадан маълум миқдорни тўлаб бериш шартини қўйиши жоиз бўлмайди. Чунки музорабада

бундай шартнинг жоиз эмаслиги суннатда собит бўлгандир. Ушбу зоминлик ишлаб чиқаришда ноқонуний деб тақдим қилинади».⁴

11. «Барака» банкининг илмий фатволарида ворид бўлишича, музораба шартномасининг бошида сармоядорнинг музорабадаги ҳиссасини муайян нисбат билан белгилаб қўйиш жоиз бўлади. Ва фойда сармоядан муайян нисбатга етганда ушбу нисбат ўзгаради. Бу ҳисоб-китоблар нақд пулга айлантирилганда маълум бўлади.

«Б» бандда айтилишича, сармоядор ишчининг музораба сармоясида муайян нисбатдаги фойдадан камига ишламаслигини қайдлаб қўйиши мумкин.

12. Ишчи музораба иши юзасидан сафарда бўлса, ейиш-ичиш ва кийим харажатларини фойдадан олади. Агар фойда бўлмаса, сармоядан олади. Аммо муқимдалик чоғида ушбу харажатларни ўз молидан қилади. Фақат музораба амалиёти ишчининг кундалик харажатларини топишдан машғул қилиб қўйса, музораба молидан ишлатади. Шунга кўра, ҳар бир музораба амалиёти унинг фойда келтиришга хос бўлган харажатларини кўтаради. Аммо идорий харажатлар ёлғиз банкнинг зиммасида бўлади. Ишчининг зиммасида бўлмаган ҳисоб-китоб ишлари харажатлари ҳам банкка юклатилади. Банк ёки ишчи музораба сармоясидан маълум маблағни ойлик сифатида ажратиб қўйиши мумкин. Бу музораба сармоясига юклатилган сарф-харажатлар эътиборидан бўлади. Яъни бу маблағ фойда тақсимланишидан олдин ва сармоя қайтарилганидан кейин фойдадан чиқариб ташланади.⁵

⁴ «Банк татбиқотларига шаръий жавоблар». Доктор Абдуссаттор Абу Ғудда. 102–164-саҳифа.

⁵ Абу Ғудда. Юқоридаги манба, 93-саҳифа.

13. Моликий ва ҳанбалийларнинг қарашларига кўра қарз, музораба, тараққиёт, ишсизларга иш ташкил қилиш ва садақа каби ишлар учун сармоядор ўз хиссасидаги фойдадан нақд пулларни вақф қилиб қўйиши жоиздир.⁶

14. Музораба шартномаси бошқа шериклик шартномалари каби жоиз ақдлардандир. Амалга киришишдан олдин ҳам ёки кейин ҳам уни охирига етказиш мажбурий бўлмайди. Икки тараф ҳам хоҳлаган пайтида шартномани бузишлари мумкин. Лекин бунда бузаётган тараф шеригини огоҳлантириши шарт. Агар огоҳлантирмаса, у зарар кўриб қолиши мумкин. Аммо моликийларнинг айтишича, музораба ишига киришилганидан кейин бу шартномани ниҳоялаш икки томонга ҳам мажбурий бўлади. Уни бузиш учун икки тараф келишишлари шарт. Зарурат юзасидан ушбу фикрни олса, яхши бўлади. Бунда ишчи музораба ишини бошлаганидан кейин музораба шартномасини бузиб бўлмайди.

ПУЛ БИРЛИКЛАРИНИ БИР-БИРИГА СОТИШ ҲАҚИДА

Кўпчилик қизиқадиган масалалардан яна бири пул бирликларини бир-бирига сотиш масаласидир.

Қуйида islom.uz интернет порталида шу хусусда берилган саволлардан бирини ва унинг жавобини келтирамиз.

Савол: Ҳурматли Шайх ҳазратлари! Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Саволим қуйидагича: саррофлик ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб:

عَنْ مَالِكِ بْنِ أَوْسٍ، أَخْبَرَهُ: أَنَّهُ التَّمَسَّ صَرَفًا بِمِائَةِ دِينَارٍ، فَدَعَانِي
طَلْحَةُ بْنُ عُبَيْدِ اللَّهِ، فَتَرَاوَضْنَا، حَتَّى اضْطَرَفَ مِنِّي، فَأَخَذَ الذَّهَبَ

⁶ «Мажмуъул фатово». 31/234.

يُقَلِّبُهَا فِي يَدِهِ، ثُمَّ قَالَ: حَتَّى يَأْتِيَ خَازِنِي مِنَ الْغَابَةِ. وَعُمَرُ يَسْمَعُ ذَلِكَ، فَقَالَ: وَاللَّهِ لَا تُفَارِقُهُ حَتَّى تَأْخُذَ مِنْهُ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «الذَّهَبُ بِالذَّهَبِ رَبًّا إِلَّا هَاءَ وَهَاءَ، وَالشَّعِيرُ بِالشَّعِيرِ رَبًّا إِلَّا هَاءَ وَهَاءَ».

Молик ибн Авс бундай хабар қилади:

«Мен юз динорни алмаштирмоқчи бўлдим. Шунда Талҳа ибн Убайдуллоҳ мени чақирди. Иккимиз савдолашдик, у менга алмаштириб берадиган бўлди. Тиллани олиб, қўлида айлантириб кўрди. Кейин: «Хазинабоним ўрмондан келсин», деди. Умар бун эшитиб турган эди, бундай деди: «Аллоҳга қасамки, ундан олмагунингча ажрамайсан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қўлдан қўлга бўлмаса, тиллага тилла рибодир. Қўлдан қўлга бўлмаса, буғдойга буғдой рибодир. Қўлдан қўлга бўлмаса, арпага арпа рибодир. Қўлдан қўлга бўлмаса, хурмога хурмо рибодир», деганлар».

Бешовлари ривоят қилишган.

«Сарф» қилиш деганда саррофга мурожаат қилиш, пул алмаштириш тушунилади.

Молик ибн Авс розияллоҳу анҳунинг юз динор тилла пуллари бор экан, уни кумуш пул, дирҳамга алмаштиришга ҳожатлари тушиб, «Ким алмаштиради?» деб одам излаганлар. Ана шунда у кишини Талҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳу ўз ёнларига чақириб, пулни алмаштириб беришга тайёр эканликларини изҳор қилганлар. Икковлари баҳолашиб, маълум нархга келишишган. Молик ибн Авс розияллоҳу анҳу ўзларининг юз динор тиллаларини Талҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳуга берганлар. У киши тилла пуллари олиб,

кўлларида айлантириб туриб, Молик ибн Авс розияллоху анхуга: «Хазиначим ўрмондан келса, дирҳамларни сенга бераман», деганлар.

Бу гапларни эшитиб турган Умар ибн Хаттоб розияллоху анху Молик ибн Авс розияллоху анхуга: «Талҳадан ажрамай тур, хазиначиси келиб, сенга дирҳамларни берганидан кейингина ажраб кетсанг бўлади. Бўлмаса муомалангиз рибога айланиб қолади», деган маънода гап айтганлар.

Шунинг учун ҳам сарф – пул алмаштириш муомаласининг тўғри бўлиши учун қўйилган тўртта шартдан энг аввалгиси – икки томон муомала жойида туриб, алмаштирган нарчасини қўлма-қўл олишидир.

Агар келишиб, қўлма-қўл олмай ёки бири олиб, иккинчиси олмай ажрашсалар, келишувлари ботил бўлади. Чунки бу икки ҳолатда ҳам асосий шарт қўлма-қўл олиш бузилган бўлади ва муомала рибога ўхшаб қолади. Яъни қўлма-қўл олмай туриб ажрашиш мумкин эмас.

Ажрашмасалар, вақтнинг ўтиши эътиборга олинмайди. Бирга ухласалар, бир жойга борсалар, майли. Лекин ажралишлари билан ботил бўлади.

Бу ҳукм келажак ноқулайликларнинг олдини олиш учун қилинган. Агар ажрашгандан кейин ҳам бўлаверади, дейилса, баъзи фирибгарликлар учун катта йўл очилиши мумкин бўлади. Мисол учун, бир томон маблағни олиб, «Ҳали кейин ёки эртага олиб келиб бераман», дейди-да, олган маблағни дарҳол «айлантиргани» қўяди. Иккинчи томоннинг молини беришни кечга суриши ҳам мумкин. Орада хилоф чиқади: биров пулини вақтида олмай, зарар кўради. Бошқаси эса бировнинг пулидан фойда кўради. Шундан кейин зарар тортган томон ҳақ сўрайди. У ҳақни олса, рибо бўлади. Олмаса, ичи куяди. Ҳозирги кундаги кўпгина муаммолар ҳам шундан келиб чиқмоқда.

Яна ҳадис матнига қайтайлик. Ҳазрати Умар розияллоху анху Молик ибн Авсга «Алмаштирган пулинг-ни олмагунингча, Талҳа ибн Убайдуллоҳдан ажрамай тур», деганлари шаръий ҳукм эканини билдириш учун Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан эшитган ҳадисларини келтирдилар.

«Қўлдан қўлга бўлмаса, тиллага тилла рибодир».

Яъни «Ма!» деб бири тиллани бериши керак, иккинчиси ҳам динорни ўша мажлисда «Ма!» деб унинг қўлига бериши лозим. Буғдой, арпа, хурмоларни бири-бирига, яъни бир жинсдаги нарсаларни алмаштиришда ҳам шу қоида ишлатилади.

عَنْ حَبِيبٍ أَنَّهُ سَمِعَ أَبَا الْمِنْهَالِ يَقُولُ: سَأَلْتُ الْبَرَاءَ بْنَ عَازِبٍ عَنِ الصَّرْفِ، فَقَالَ: سَلْ زَيْدَ بْنَ أَرْقَمَ فَهُوَ أَعْلَمُ، فَسَأَلْتُ زَيْدًا، فَقَالَ: سَلِ الْبَرَاءَ فَإِنَّهُ أَعْلَمُ، ثُمَّ قَالَ نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنِ بَيْعِ الْوَرِقِ بِالذَّهَبِ دَيْنًا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ. وَفِي لَفْظِ الْبُخَارِيِّ: فَقَالَ: «إِنْ كَانَ يَدًا يَدًا فَلَا بَأْسَ، وَإِنْ كَانَ نَسَاءً فَلَا يَصْلُحُ».

Ҳабибдан ривоят қилинади:

«У киши Абу Минҳол розияллоху анхунинг шундай деяётганларини эшитди:

«Баро ибн Озибдан сарф, яъни пул алмаштириш ҳақида сўрадим. «Зайд ибн Арқамдан сўра, у яхшироқ биледи», деди. Зайддан сўрасам, «Бародан сўра, у яхшироқ биледи», деди. Сўнгра икковлари:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам кумушни тиллага қарзга сотишдан наҳйи қилганлар», дейишди».

Муслим ва Бухорий ривоят қилишган. Бухорийнинг лафзида:

«Агар қўлма-қўл бўлса, ҳеч гап эмас. Аммо насия бўлса, бўлмайди», дейилган.

Ушбу ривоятда саҳобаи киромларнинг камтарликлари ва бир-бирларини ҳурмат қилишлари ёрқин намоён бўлмоқда. Баро ибн Озиб ва Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳумолар бир-бирларини ўзидан кўра илмироқ деб ҳурмат қилишлари ва савол сўраб келган кишини ўз биродари томон юборишлари шуни кўрсатади.

Ушбу ҳадиси шарифдан саррофлик икки хил пул бирлигида қўлма-қўл равишда бўлиши, насияга ҳеч нарса қолмаслиги қондаси келиб чиқади.

Ислом фикҳи академиясининг фатвоси

ПУЛ БИРЛИКЛАРИНИ БИР-БИРИГА СОТИШ ҲАҚИДА

Аллоҳнинг Ўзига ҳамдлар бўлсин!

Ортларидан набий йўқ зотга салавоглар бўлсин!

Ислом фикҳи академияси Маккаи мукаррамада, Робитанинг биносида 1412 ҳ.с. 5-шаъбон(1992 йил, 8 феврал)да бошланган ўн учинчи мажлисида пул бирликларни бир-бирига сотиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Муноқаша ва фикр алмашувлардан кейин Ислом фикҳи академияси бир овоздан қуйидаги қарорларни қабул қилди:

Бир пул бирлигини бошқа пул бирлигига сотиш саррофлик деб эътибор қилинади.

Агар саррофлик шаръий шартлар асосида амалга оширилса, хусусан, савдо шартномаси тузилган пайтда қўлма-қўл олди-берди бўлса, жоиздир.

Қачон саррофлик қилишда икки бадални ёки бирини кейин беришга келишилса ёки икки пул бирлигини бир вақтда маълум тарихда алмаштиришга келишилса ҳам, жоиз эмас. Чунки олди-бердини қўлма-қўл қилиш лозимдир».

ҚИЙМАТНИ ОЛДИН БЕРИШ САВДОСИ

Одамларнинг шароитлари турли бўлади. Мисол учун, богбон ва деҳқонлар ҳар йили ишларини йўлга қўйиш учун сармоёга муҳтож бўладилар. Бу мақсадда қарз олишларига тўғри келади. Аммо қарз олмасдан қийматни олдиндан олиш савдоси орқали сармоё топсалар ҳам бўлади. Бунинг учун улар шариатда рухсат берилган салам ёки салаф савдоси қилсалар тўғри бўлади.

«Салам» луғатда «таслим қилиш», «бериш» маъносини англатади.

Шариатда эса, зиммадаги сифати баён қилинган молнинг қийматини олдиндан беришга айтилади.

Бундай савдони «салаф» ҳам дейилади, бу «қиймати олдин берилган» деган маънони англатади.

Бу савдо ҳожат тушганда, рибо аралашмаслиги шарти ила жоиз. Яъни олди-сотди қилинаётган нарса бир хил бўлмаслиги ва рибонинг бошқа кўринишлари ҳам аралашмаслиги лозим.

«Салам»да олувчи сотувчига: «Мен сенга бу маблағни фалон нарсани менга сотишинг учун, фалон вақтда ва фалон жойда беришинг учун топширдим», дейди.

«Салам» – «Салаф» савдоси ҳақида уламоларимиз чуқур ва кенг кўламли баҳслар қилганлар. Бу масалани атрофлича ўрганиб чиққанлар. Қуйида ўша муборак илмий изланишларнинг самараларидан баъзилари билан қисқача танишиб чиқамиз.

1. «Салаф» савдоси жоизлигига Қуръони Каримдан ҳам далил бор.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا تَدَايَنْتُمْ بِدِينٍ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى فَاكْتُوبُوهُ

«Эй, иймон келтирганлар, қачон маълум муддатга қарз олди-берди қилсангиз, уни ёзинг» (282-оят).

«Салаф»да ҳам шу маъно бор. Ислому умматининг илму денгизи, Қуръон таржимони дея улуғланган буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху:

«Шоҳидлик бераманки, зиммадаги васф қилинган, маълум муддатга келишилган «салаф»ни Аллоҳ Ўз китобида ҳалол қилиб изн берган», деб туриб юқоридаги оятни қироат қилар эканлар.

2. «Салаф» савдосига Суннатдан ҳам далил бор:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، قَالَ: قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ الْمَدِينَةَ، وَهُمْ يُسَلِفُونَ فِي التَّمْرِ السَّنَةَ وَالسَّنَتَيْنِ، فَقَالَ: «مَنْ أَسْلَفَ فِي تَمْرٍ - وَفِي رِوَايَةٍ: فِي شَيْءٍ - فَلْيُسَلِفْ فِي كَيْلٍ مَعْلُومٍ، وَوَزْنٍ مَعْلُومٍ، إِلَى أَجَلٍ مَعْلُومٍ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида улар мевани бир йил, икки йилга «салаф» савдо қилар эдилар. Бас, у зот:

«Ким хурмони (бошқа ривоятда: бир нарсани) салаф савдо қилса, маълум ўлчов, маълум вазн билан маълум муддатга салаф қилсин», – дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Аҳли Мадинанинг «салаф» савдоси жоҳилият қондаси бўйича булар эди. Меванинг қанча берилиши, қачон ва қаерда берилиши тайин қилинмас эди. Шунинг учун ҳам, ораларидан турли келишмовчиликлар, уриш-жанжаллар келиб чиқар эди.

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «салаф» савдосининг исломий сифатини айтдилар. Салаф савдода қуйидагилар бўлиши шарт:

1. «Маълум ўлчов».

Килоси ёки бошқа ўлчовлар аниқ айтилиши керак. «Мен сенга бу динарларни бунча кило хурмо учун бердим» деб, сотиб олинаётган нарсанинг ўлчови аниқ айтилиши керак.

2. «Маълум вазн».

Нархи олдиндан берилаётган савдо молининг вазни, агар унинг миқдори вазн билан ўлчанадиган бўлса, аниқ айтилиши керак. Мисол учун, «Мен сенга ушбу динарларини менга бунча мисқол тиллони сотишинг учун таслим қилдим», дейиши лозим.

3. «Маълум муддат».

Яъни нархи олдиндан берилган савдо моли харидорга қачон берилиши ҳам аниқ келишиб олиниши керак. Ана шунда турли келишмовчиликларнинг олди олинган бўлади.

قَالَ مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي الْمُجَالِدِ رضي الله عنه: بَعَثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ شَدَّادٍ وَأَبُو بُرْدَةَ إِلَى عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي أَوْفَى، فَقَالَ: سَلُهُ، هَلْ كَانَ أَصْحَابَ النَّبِيِّ ﷺ فِي عَهْدِهِ يُسَلِّفُونَ فِي الْحِنْطَةِ؟ قَالَ: كُنَّا نُسَلِّفُ نَبِيَّ أَهْلِ الشَّامِ فِي الْحِنْطَةِ، وَالشَّعِيرِ، وَالزَّيْتِ، فِي كَيْلٍ مَعْلُومٍ، إِلَى أَجَلٍ مَعْلُومٍ، قُلْتُ: إِلَى مَنْ كَانَ أَصْلُهُ عِنْدَهُ؟ قَالَ: مَا كُنَّا نَسْأَلُهُمْ عَنْ ذَلِكَ، ثُمَّ بَعَثَانِي إِلَى ابْنِ أَبِيزَيْدٍ، فَسَأَلْتُهُ، فَقَالَ: نَعَمْ، مَا كُنَّا نَسْأَلُهُمْ، أَلَمْ حَرِّثْ أُمَّ لَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ. وَأَبِي دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ: «مَنْ أَسْلَفَ فِي شَيْءٍ فَلَا يَصْرِفُهُ إِلَى غَيْرِهِ».

Муҳаммад ибн Абу Мужолид розияллоҳу анҳу айтадиларки:

«Мени Абдуллоҳ ибн Шаддод ва Абу Бурда Абдуллоҳ ибн Абу Авфонинг олдига юбориб:

«Сўра-чи, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари у зотнинг даврларида буғдойда салаф савдо қилишар эканми?» – дедилар. Бас у:

«Аҳли Шом набийтлари билан буғдойда, арпада ва ўсимлик ёғида маълум ўлчов ва маълум вақтга салаф қилар эдик», – деди.

«Ҳузурда (молнинг) таги борлар биланми?» – дедим.

«У хақида улардан сўрамас эдик», – деди.

Сўнгра икковлари мени Ибн Абзо ҳузурига юбордилар, ундан ҳам сўрадим. Бас у:

«Ҳа, улардан экинлари борми-йўқми эканини сўрамас эдик», деди».

Бухорий, Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.

Абу Довуд ва Ибн Можса келтирган ривоятда:

«Ким бир нарсада салаф қилса, бошқасига буриб юбормасин», дейилган.

«Набийт» сўзи «ер остидан сув чиқаришга уста одам» деган маънони билдиради.

Ҳадисда «аҳли Шом набийтлари» дейилганда дехконлари назарда тутилган. Чунки улар экинларини сугориш учун ер остидаги сув чиқарар эдилар.

Бу ҳадисдан қуйидаги фойдалар олинади:

– Буғдой, арпа ва ўсимлик мойида салаф савдоси жоизлиги;

– Салаф маълум ўлчов ила бўлиши шартлиги;

– Салаф маълум муддатга бўлиши шартлиги;

– Салаф савдосидаги иккинчи томонда айтиладиган молнинг асли бўлиши шарт эмаслиги;

– Салаф савдосида сотиладиган молни нарх берган одам ўзи олмасдан бошқа молни талаб қилиши ёки бошқа бировга ўтказиб юбориши жоиз эмаслиги.

3. Ислом умматининг ҳаммаси салаф, яъни салам савдосининг жоиз эканига доимо иттифоқ қилиб келган.

Бу ҳақда имом Ибн Мунзир куйидагиларни айтадилар:

«Биз билган ҳар бир аҳли илм саламнинг жоиз эканига ижмоъ қилган. Чунки одамлар бунга мухтождирлар. Улар зироат, мол ва тижорат эгалари маҳсулотларини бозорга чиқаргунча бунга мухтож бўлиб турадилар. Шунинг учун ҳам ҳожатни ҳисобга олиб, «салам»га изн берилган».

«Йўқ нарсани сотиб бўлмайди» деган умумий қоидадан истисно тариқасида иқтисодий фойдани кўзлаб, одамларга енгиллик яратиш учун жорий қилинган «Салам» савдосининг худди бошқа савдолар каби учта рукни бор: савдо қилувчи, савдо моли ҳамда ийжоб ва қабул.

Савдо қилувчи – олувчи ва сотувчи икки тарафдир.

Савдо моли – нарх ва унинг эвазига кейин бериладиган мол.

Ийжоб – нарх берувчининг нархни бериб, мол эгасидан розилигини сўраши.

Қабул – мол эгасининг нархни ва шартларни қабул қилиши.

«Салам» савдосининг тўғри бўлиши учун бир неча тоифа шартлар мавжуд бўлиши керак.

– Нарх учун берилаётган сармоёда бўлиши лозим шартлар тоифаси.

– Олдиндан нархи тайинланаётган молда бўлиши лозим шартлар тоифаси

– «Салам» савдосининг умумий сифатлари тоифаси.

Шу шартлар билан қисқача танишиб чиқайлик:

I. «Салаф»нинг умумий шартлари.

1. Маълум жинсда бўлиши шарт.

«Салам» – «Салаф» савдоси қилинаётган нарсанинг жинси номаълум бўлмаслиги даркор. Акс ҳолда кейин жанжал чиқади.

2. Миқдори маълум бўлиши керак.

Олаётган одам: «Ушбу пулимга фалон миқдор нарса берасан», деб аниқ миқдорни айтиши, сотаётган ўшанга рози бўлиши керак. «Хоҳлаганингча берарсан, одамлар нима бўлса, биз ҳам шу-да» каби умумий, ноаниқ гаплар бўлмаслиги керак.

3. Маълум муддатга бўлиши керак.

Нарх тайинлаб, сотиб олаётган одам: «Фалон куни молни берасан», деб аниқ айтиши, сотаётган киши ўша муддатга рози бўлиши керак. «Пишганда берарсан», «керак бўлганда берарсан» каби гаплар бўлмайди. Кейин жанжал чиқади.

4. Раъсулмолнинг миқдорини билиш керак.

Яъни олдиндан топширилаётган нархнинг аниқ миқдорини икки томон ҳам билиши керак.

5. Нархи берилган молни топшириш жойи тайин бўлиши керак, чунки уни олиб келишга кетадиган харажат туфайли ҳам кейинчалик хилоф чиқиши мумкин.

II. Нарх учун берилаётган раъсулмолда бўлиши лозим шартлар.

1. Жинси баён этилиши керак.

Пул бўлса динорми, дирҳамми ёки бошқами. Бошқа нарса бўлса ҳам, нималиги очиқ-ойдин баён қилиниши лозим.

2. Тури баён қилиниши керак.

Мадинанинг динорими, Боғдодникими, Макканинг дирҳамими ёки Шомникими аниқ айтилиши шарт. Шунингдек, бошқа нарсаларнинг ҳам тури аниқ айтилиши керак.

3. Сифати баён қилиниши керак.

Бу гап нақд пулдан бошқа нарсаларга тегишли. Ўша бериладиган нарса янгими, эским, аъло сифатлими, ўртачами ёки паст сифатлими – бари айтилиши лозим.

Мазкур уч шарт савдодаги ноаниқликни йўқотишга хизмат қилади. Ушбу нарсалар олдиндан аниқ қилиб олинмаса, кейин ўртада низо чиқади. Бу нарсалар тайин қилинмаса савдо фосид бўлади (бузилади).

4. Нархи олдиндан берилаётган мол учун ажратилган молнинг миқдори аниқ кўрсатилиши керак. Бир тўп пулни кўрсатиб: «Сенга ушбу пулни бераман, сен менга бунча буғдой берасан» деса, бўлмайди. Бу ҳам ноаниқлик, бу ҳам низога сабаб бўладиган иш.

5. Берилаётган пул текширилган бўлиши керак.

Чунки қалбаки пул бўлса, жанжал чиқади. Ёки пулни олган одам бир муддатдан кейин: «Берган пулинг қалбаки экан», деб қолиши ҳам мумкин. Кейинчалик низога сабаб бўладиган ҳар бир ноаниқлик савдони бузади.

6. Савдо тугаб, икки томон ажрашишидан олдин келишилган нархдаги пул қўлга тутқазилиши лозим.

III. Олдиндан нархи олинаётган молда бўлиши лозим шартлар.

1. Жинси маълум бўлиши шарт.

Буғдойми, арпами, хурмоми, олмами ёки бошқами.

2. Нави маълум бўлиши керак.

Ажфа хурмосими, тобуний хурмосими ёки бошқами. Тоифий узумми, ҳусайнийми ёки бошқами.

3. Сифати маълум бўлиши керак.

Олий навлими, уртачами ёки пастми ва ҳоказо.

4. Миқдори маълум бўлиши керак.

Неча соъ, ботмон, кило, метр, адад ёки бошқа ўлчови аниқ бўлиши керак.

Ушбу тўрт шарт ҳам ноаниқликни кўтариш учун киритилган. Агар бу шартлар мавжуд бўлмаса, низо чиқиш эҳтимоли бор.

5. Сармоя ва нархи олдиндан олинадиган молда рибонинг иллатлари бирлашмаслиги керак. Аввало, икки-

си бир жинсдан бўлмаслиги лозим. Тилло билан кумуш орасида салаф савдоси бўлмайди. Шунингдек, таомларда ҳам бўлмайди. Пулга таом, тижорат молларини салаф қилса бўлади. Тижорат молларини бир-бирига салаф қилса бўлади. Умуман, рибо бўлиб қолмаслигининг риояси бўлиши керак.

6. Нархи олдиндан олинаётган мол савдо пайтида ҳозир бўлмаслиги керак. Ҳозир бўлса, уша вақтнинг ўзида сотиб олинарди.

7. Нархи олдиндан олинган молнинг сифатланган нави ва сифати салаф савдоси қилинган вақтидан токи, уни бериш вақтигача бозордан топиладиган нарса бўлиши керак. Маълум вақт бўлиб кейин бозордан йўқолиб қоладиган нарса бўлиши керак эмас. Масалан, кулупнайга салаф қилса, уша салаф қилган вақтда ҳам, уни, харидорга берадиган вақтда ҳам, оралик вақтда ҳам бозорда кулупнай бўлиши керак. Чунки ўзининг кўзлаган ҳосили битмай қолса, бозордан олиб бериш имкони бўлсин.

8. Савдо аҳдномаси қатъий бўлиши керак. Яъни икки тарафда ҳам айниш ихтиёри бўлмайди. Чунки айниш ихтиёри молни синаб кўриш, айби бўлса аниқлаш мақсадида шариятга киритилган. «Салам» савдосида бу ҳолат умуман йўқ.

9. Нархи олдиндан берилган молни таслим қилиш — топшириш жойи аниқ бўлиши керак.

Кўриниб турибдики, «Салаф» савдоси ҳам бошқа савдолар каби нозик масала. Мусулмон инсон бу ишга киришишдан олдин яхшилаб ўрганиб олиши лозим. Молиявий муомаласида ҳаром аралашиб гуноҳ содир бўлмаслиги, бировнинг ҳақини еб, икки дунёда шарманда бўлмаслиги учун ўта эҳтиёткорлик билан тасарруф қилиши керак.

Молиявий муомалаларнинг ҳаммасидаги каби «Салаф» савдосида ҳам шубҳага ва бировнинг ҳаққи зое

бўлмаслигига ўрин қолмайдиган шаклда аниқ иш юртиш керак.

Бу ишларни иккита одил гувоҳ хузурида ёзиб-чи-зиб қўйилса, яна ҳам яхши бўлади. Ҳозирги кунда бу ишни қилиш жуда ҳам зарур. Бунда кейин хиёнат ва хилоф чиқмаслиги учун замин яратилган бўлади.

Энди «Мухтасари Викоя»да бу ҳақда келган матнни ўрганайлик.

«Салам миқдори ва сифати маълум, нархга айлан-тирилган қайлли ва вазли каби нарсада тўғри бўлади.

Кийимга ўхшаш, зироъ билан ўлчанадиган нар-саларда узунлиги, эни ҳамда юпқа-қалинлиги баён қилинган бўлиши керак.

Сони саналадиган нарсалар бир-бирига яқин си-фатли бўлиши керак».

Бунда бир донаси бошқасига ҳажмда яқин бўлган ёнғок ва тухумга ўхшаш нарсалар салам савдоси жоиз бўлади. Аммо доналари орасидаги тафовут қатта бўла-диган қовун ва тарвуз каби нарсаларда салам савдоси жоиз эмас.

«Тузланган балиқда салам савдоси дуруст. Ҳай-вон, унинг қалла-пойчалари ва териларида ҳамда жавоҳирларда дуруст эмас. Миқдорини билиб бўл-майдиган муайян соъ ва зироъда ҳам дуруст эмас».

Тузланган балиқдаги салам сон билан эмас, вазн би-лан ўлчанади.

САЛАМНИНГ ШАРТЛАРИ

Саламнинг шартлари: саламга қўйиладиган нарсанинг жинсини (мисол учун, буғдой) навини (су-ғориладиган), сифатини (яхши) ва муддатини (фалон куни) баён қилишдир. Унинг ози бир ойдир.

Шунингдек, кайлий, вазний, ададий нарсаларда раъсулмолнинг ва нақл қилишга харажат кетадиган нарсаларда топшириладиган маконнинг ҳам баён қилишини шарт.

Тарафлар бир-биридан айрилишидан олдин сармояни қўлга олиш саламнинг боқий қолиши шартидир.

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР

Савдогарлик (тожирлик) касбларнинг энг яхшиси, энг шарафлиси саналади. Фақат савдо одобларига риоя қилгандагина, савдонинг ҳалол бўлишига эришилгандагина, у хайрли ва баракали бўлади. Одобимиздаги барча тартиб-қоидалар кишилар ўртасида чиқиши мумкин бўлган низо-келишмовчиликларнинг олдини олишга, уларни бартараф қилишга қаратилган.

Сотувчи ва олувчи молнинг (ёки хизматнинг) нархига келишганларидан сўнг сотувчининг «сотдим», олувчининг «олдим» сўзлари каби ҳар икки томоннинг розилигини ифодаловчи барча мувофиқ сўзлар билан савдо амалга ошган ҳисобланади. Агар тарафлардан бирортаси рози бўлмаса, савдо ҳалол бўлмайди.

Сотувчи ҳам, олувчи ҳам ақлли бўлишлари керак, телба-жинни кишилар ва фойда-зарарни билмайдиган ёш болалар билан савдо қилинмайди.

Сотувчи «Сотдим» деса-ю, аммо харидор ҳали «Олдим» демаган бўлса, сотувчи «Йўқ, сотмайман» дейишга ҳақли. Олувчи ҳам молнинг сифати қониқтирмай қолса ёки нархи ёқмаса, савдони бузиш ҳуқуқига эга.

Сотилаётган нарса мавжуд ва олувчига уни топшириш мумкин бўлиши керак. Йўқ нарсани, йўқ бўлиши хавфи бор нарсани (масалан, етилмаган мева ёки дон, овланмаган қуш ёки балиқни) сотиб бўлмайди.

Сотилаётган нарса сотувчининг мулки бўлиши ёки уни сотишга сотувчининг ваколати бўлиши керак. Бировнинг мулкани унинг рухсатисиз сотиш мумкин эмас.

Сотилаётган нарса ва унга тўланадиган пул миқдори аниқ бўлиши, савдони бузувчи шартлар қўйилмаслиги, савдога икки тараф ҳам рози бўлиши, мол насияга сотилганда пулини тўлаш кун аниқ белгиланиши, кўчмас мулкдан бошқа молларни харидор қабул қилиб олиши лозим. Агар юқорида саналган шартлардан бирортаси бўлмаса, бу савдо тўғри ва дуруст бўлмайди.

Сотувчи молнинг нави, жинси, масдари, харажатлари ҳақида ёлғон аралаштирмай, ҳақиқий сифати билан харидорларга айтиши керак.

Сотувчи ҳам, олувчи ҳам ўзаро муомалада бағрикенг бўлишлари лозим. Яъни сотувчи молнинг нархидан тушиб бериши, олувчи ошиқроқ тўлаб, ҳиммат кўрсатиши керак.

Савдода ҳатто гапи рост бўлса ҳам, қасам ичишдан, айниқса, Аллоҳ номи билан қасам ичишдан тийилган маъкул. «Қасам молни бозоргир қилса-да, баракасини кетказади».

Сотувчиларнинг тарозидан (метр ва бошқа ўлчовлардан) уриб қолишлари катта хато – гуноҳ ҳисобланади. Агар унинг кам тортиб ёки ўлчаб бераётганини кўрсангиз, «Тўғри тортинг» деб танбеҳ берасиз, агар кўнмаса, бошқа ҳалол сотувчидан харид қиласиз. Танбеҳни қабул қилиб, тўғри тортиб берса, пулини тўлаб, молни оласиз. Агар кам тортганини кейин билиб қолсангиз, етмаган миқдорнинг ҳақини сотувчидан талаб қиласиз, истасангиз, молини бериб, тўлаган пулингизнинг ҳаммасини қайтариб оласиз.

Қуйидаги нарсаларнинг савдоси дуруст (ҳалол) бўлмайди:

– ҳаром ўлган ва истеъмоли тақиқланган нарсалар (қон, ҳаром ўлган ҳайвон гўшти, ҳамр, чўчка ва унинг гўшти кабилар) савдоси;

– савдоси ҳалол молни ҳалол бўлмаган молга қўшиб сотиш. Масалан, ҳалол сўйилган молнинг гўштини ҳаром ўлган мол гўштига қўшиб сотиш (бунда ҳар иккаласининг ҳам савдоси бузилади);

– ҳалол молни ҳаром мол эвазига сотиш ёки айрибошлаш. Масалан, газмол бериб, чўчка гўшти олиш ёки аксинча;

– сувдаги балиқни, осмонда учиб юрган парранда-қушларни тутиб олмасдан, тоғдаги ўтинни териб-тўп-ламасдан илгари сотиш;

– савдо қилинганда харидорга топширишга қодир бўлинмаган нарсаларни сотиш. Масалан, тутиб, ҳовузга ташлаб қўйилган балиқ каби;

– харидорга берганда ўзи зарар кўрадиган нарсаларни (масалан, уйининг тўсин-хариларини) сотиш;

– алданиш эҳтимоли бор нарсаларни (масалан, она қорнидаги болани) сотиш;

– аниқ бўлмаганидан жанжалга сабаб бўладиган нарсани (масалан, қўй устидаги жунни қирқмай туриб) сотиш;

– дарахтдаги мевани ундан узиб, қуритилган мевага чамалаб сотиш;

– одам аъзоларини (масалан, сочи, сути) сотиш;

– ҳаром ўлган мол-қўйларнинг терисини ошламай (ҳўлини кетказмай) туриб сотиш;

– сотган нарсасини пулини тўламай туриб, сотган нархидан арзонга сотиб олиш;

– савдо такозо қилмаган, аммо сотувчи ёки олувчидан бирига фойдали бўлган шарт билан сотиш мумкин эмас.

– турли жинсли молларни айрибошлашда бир-бирига тенг қилиб, нақд (яъни бир жойда) айрибошлаш лозим.

Агар бири иккинчисидан ошиқ ёки насия бўлса, рибо (судхўрлик) бўлади. Масалан, юз килограмм гуручни бир юз ўн килограмм гуручга, рўпарада турган арпани насия буғдойга алмаштириб бўлмайди, бу рибо ҳисобланади.

Харидорга дагаллик қилмай, мулойим гапириш, молни ҳадеб мақтамаслик, молнинг айбини яшириб, қалбаки, сифатсизини сотмаслик, агар харидор молни қайтариб келса, унга зарар етмаган бўлса, савдо битимини бузиш, харидорнинг ҳақидан уриб қолмаслик, муътабар одамнинг пули етмай қолса, насияга бериш, бозор талабидан ошириб сотмаслик кабилар нарса сотишнинг одобларидандир.

Молни ҳалол пулга сотиб олиш, бозор нархидан камга олмаслик, сотувчига кўпол муомала қилмаслик, уни «Молни қаердан келтирдинг? Қанчага сотиб олдинг?» каби саволлар билан овора қилмаслик, сотиб олган нарсасини сотувчига қайтармаслик, сотувчидан тортилган (ўлчанган) нарса устига яна озгина кўпайтириб қўйишни талаб қилмаслик, харид қилган нарсасини идишга солиб, ўраб олиш нарса сотиб олишнинг одобларига қиради.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. «Тафсири Ҳилол». «Шарқ» нашриёти, Тошкент, 2012.
2. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. «Ҳадис ва Ҳаёт» 11-жуз «Савдо, зироат ва вақф китоби». «Шарқ» нашриёти, Тошкент, 2012.
3. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. «Зикр аҳлидан сўранг». «Ҳилол-нашр» нашриёт-матбааси, Тошкент, 2013.
4. Доктор Абдуссаттор Абу Ғудда. «Банк татбиқотларига шаръий жавоблар». Шарика ат-Тавфик, Мажмуъа далла ал-Барака, 2002.
5. Доктор Ваҳба Зуҳайлий. «Мажмуъул Ғатово». Дорул фикр, Дамашк, 2002.
6. Доктор Ваҳба Зуҳайлий. «Замонавий молиявий муомалалар». Дорул фикр, Дамашк, 2002.
7. Тохир ибн Аҳмад ибн Абдурашид Бухорий. «Хулосатул Ғатово». Мактаба ал-Малик Фаҳд Ватаний, 1900.
8. Хайруддин Рамлий. «Жомиъул фусулайн»га ёзган ҳошияси. Матбаъа Кубро ал-Мирийя, Миср. 1300 ҳ.с.
9. Муҳаммад ибн Алий Ҳанафий Ҳаскафий. «Дуррул мухтор». Дорул кутубул илмийя, Байрут, 2002.
10. Абдураҳмон ал-Жазийрий. «Китобул фикҳи ғалал Мазаҳабил арбаъати». Дорул фикр, Дамашк.
11. Доктор Ваҳба Зуҳайлий. «Ал-фикҳул Исламий ва адиллатуху». Дорул фикр, Дамашк, 1997. 4-нашр.
12. Рафик Юнус Мисрий. «Фикҳул Муъомилатил Малийя». Дорул-қалам, Дамашк.
13. Муҳаммад Такий Усмоний. «Бухус фи козоё фикҳийя муъосира». Дорул-қалам, Дамашк.
14. Алий ибн Султон Муҳаммад ал-Қорий. «Ан-Никоя шарҳу Мухтасарил Викоя». Император университети босмаҳонаси, Қозон.
15. Муҳаммад Амийн Ибн Обидин. «Раддул мухтор ала Дуррил мухтор». Дорул кутубил илмийя, Байрут, 1994.
16. Шайх Юсуф Қаразовий. «Ал-Ғатовий ал-муосира». Дорул Қалам, Кувайт, 1422/2001. 9-нашр.
17. Шайх Алий Жумъа. «Ал-калим ат-тоййиб. Ғатавий муосира», Дорус салом, Қоҳира, 1426/2005. 1-нашр.
18. Кувайт вақф ва Исломиё ишлар вазирлиги. «Ал-Мавсуъал Фикҳийя». Дорус софва, Миср, 1414/1993. 4-нашр.
19. Абдулқодир Авда. «Ат-ташрийъул жиноийю фил Ислам». Муассасатур-рисола, Байрут, 1406/1986. 7-нашр.
20. Шайх Муҳаммад Абу Заҳра. «Ал-аҳвол аш-шаҳсийя». Ал-Фикрул Арабий, 1369/1950. 2-нашр.

МУНДАРИЖА

Ҳалол ризқ топиш фарзидр	6
Ҳаромга қўл уриш мумкин эмас	9
Тижорат ва унинг одоблари	16
Савдога оид илмни ўрганиш зарур	21
Савдода ёлғон гапириш ҳаром	22
Ёлғон қасам ичиш энг катта гуноҳлардан	24
Савдода ростгўйлик – икки дунё шарафи	25
Савдода алдамчилик ҳаромдир	26
Ўлчовдан уриб қолиш ҳаромдир	29
Эҳтикор (монополия) ҳаромдир	34
Рибо ҳаромдир	37
Савдо молининг олдини тўсиб чиқиш ҳаромдир	40
Ўзганинг савдоси устига савдо қилиш ҳаромдир	41
Ҳаром нарсаларнинг савдоси ҳаромдир	43
Яхши ният ва Аллоҳнинг зикри	43
Сахархезлик – фазилат	44
Савдогар маданиятли бўлиши керак	45
Савдогар бағрикенг инсондир	46
Нархни кўп оширмаслик	47
Шубҳали нарсалардан йироқда бўлиш	47
Хайр-эҳсон қилиб туриш	49
Закоғни вақтида адо этиш	50
Ҳамкасблар билан яхши алоқада бўлиш	51
Золим харидорга ёрдам бермаслик	51
Харидор билан гузал муомалада бўлиш	52
Қалбаки пулларни ишлатмаслик	53
Айниб қолган харидорга ёрдам бериш	53
Тармоқли савдо	55
Таварруқ савдоси	60
Таварруқ савдосининг ҳукми	61
Тақсит савдоси	62
Шартнома	67
Битимнинг асоси	68
Келишув шартлари	68
Ширкатлар ҳақида	72
Музораба ширкати	74
Пул бирликларини бир-бирига сотиш ҳақида	84
Ислом фикҳи академиясининг фатвоси	88
Қийматни олдин бериш савдоси	89
Саламнинг шартлари	97
Қўшимча маълумотлар	98
Фойдаланилган адабиётлар	102

40000

Шайх
Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф

БОЗОР

ВА УНГА БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР



**Наشريёт рухсатисиз нусха кучиришининг
барча турлари, қупайтириш ва сотиш
шаръан ҳаром, қонунан ман этилади.**

«HILOL-NASHR» нашриёти
Тошкент — 2019

Ношир: *Исмоил Муҳаммад Содиқ*

Мухаррир: *Барно Саидрахмон*

Техник муҳаррир: *Мансур Қаюмов*

Арабча матн мусаххихи:

Муҳаммад Алий Муҳаммад Юсуф

Сахифаловчи: *Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ*

Мукова дизайнери: *Равшан Маликов*

Мусаххих: *Ғиёсиддин Юсуф*

Нашр лицензияси № АИ 235, 13.02.2013 йил.

Босишга рухсат этилди 26.04.2019. Бичими 84x108 ¹/₃₂.

Times New Roman гарнитураси. Офсет босма. Босма табағи 6,5.

Шартли босма табағи 5,46. Адади 5000 нусха.

Буюртма № 54. Баҳоси келишилган нархда.

«Hilol-Nashr» нашриёт босмаҳонаси

100185, Тошкент шаҳри, Сўгалли ота, 5

Тел. (99871) 2175999, факс (99871) 2175478

<http://hilolnashr.uz> e-mail: info@hilolnashr.uz

